

# Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри  
Мулоқот учун E-mail: [erkinyurt@uzxalqharakati.com](mailto:erkinyurt@uzxalqharakati.com)

#22 09.03.2012

## БУГУНГИ СОНДА

### КАРИМОВНИ ХАЛҚАРО СУДГА БЕРИШ ҲАҚИДА

БМТнинг қийноқлар бўйича махсус маърузачиси: "И.Каримов фақат унинг мамлакатида "тарқалган ва муттасил" қийноқлар учуноқ Жиноятчи сифатида судга тортилиши керак"... (2-бет)

### КАНАДА ҲУКУМАТИДАН ЎХҲГА ЖАВОБ МАКТУБИ

Канада Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари муттасил бузилаётганлиги ҳақидаги хавотирларга шерик эканлигини билдирган... (2-бет)

### БАХТСИЗ ПОЙТАХТ

Бир йилга яқин Тошкент ҳокимсиз эди. Яъни, Ўзбекистон пойтахти бир йил бошқарувчисиз қолиб кетди. Нимага?... (4-бет)

### ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛАТГА ХАВФ ХИЗМАТИ, ИЧКИЛИК ИШЛАР ВА МУДОФАА ХИНЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Юрт сув куйгандек тинч кўринаётганидан хотиржам бўлманг, нарис билан яна икки марта нарх-наво ошса, авомнинг аҳволини ўшанда кўрасиз... (6-бет)

### ЭНДИМИ?

Ҳукумат хуфясидан сирли хабар тарқалди. Ўзбекистон Президент бошқарувидан парламет бошқарувига ўтиши мумкин!.. (7-бет)

### КЎКНОРИГА КЎНГЛИ КЕТГАН МИЛИЦИОНЕР

Анчадан бери МХХ биз каби зулмга қарши курашаётганларни безовта қилаётганлари йўқ...(11-бет)

### ДЖИН ШАРП: "ЗУРАВОНЛИКСИЗ ИНҚИЛОБ АЛИФБОСИ"

Диний, маданий ва жуғрофий чегаралар билмаган бу китоб осонгина таржима бўлади. Бу китоб оловга айланди...(12-бет)



Айни пайтда, Ражабовнинг оиласи Жумаевга давомли қатнаб, ундан Ражабовнинг қаердалигини суриштириб туради. Бу қатнашларда Ражабовнинг уч боласи билан қолган хотини Алия Ражабова жуда фаол эди. Жумаев аввал Ражабовнинг хотинига "эринг Туркияда" деб, уни Туркияга юборади.

## ТОШКЕНТДАГИ "РАЗБОРКА"ЛАР

2004 йили Тошкентда таниқли яхудий тадбиркор Шапиро бошига отилган уч ўқ билан ўлдирилганди. Шапиро ўз вақтида Г.Каримованинг "команда"сида эди ва унинг нефт-газ тармоғидаги сармоядор (инвестор) ларидан бири бўлганди. Шапиро Г.Каримованинг бевосита раҳнамолиги остида фаолият кўрсатганига қарамай, "буйортма"га кўра қилинган бу қотиллик жуда кўпол ва беписандлик билан амалга оширилганди. Шапиро бўйича жиноий ишни И.Каримов шахсий назоратига олди. Қотил бир ҳафта ичида қўлга олинди, жинояти бўйича кўйилди ва у бу "жиноят буйортмачиси" дея жиноятчи дунёсида номи чиққан, икки марта қотиллик содир этган қандайдир Нозим Жумаевни кўрсатди. Бу жиноий ишда яна бир иштирокчи – Акбар Ражабов исми ҳам келтирилади. Тергов ҳужжатларининг бошланғичида қотиллик ижрочи ва буйортмачисини Шапиро яшайдиган уйнинг яқинига олиб келган машина ҳайдовчиси А.Ражабов дея кўрсатилган эди. Жиноят содир этилганидан икки соат кейин, Нозим Жумаев Акбар Ражабовнинг уйига келади ва у билан иккиси дархол шаҳардан чиқиб кетишлари кераклигини айтади. Ражабов боснинг буйруғига бўйсунди ва... ўша кундан буён уни ҳеч ким кўрган эмас. Воқеадан роппа-роса бир йил сўнгра, қочқинда юрган Н. Жумаев Тошкентга қайтиб келади ва унинг жиноий иши маҳкамада "қайта кўриб чиқилади". Энди қотил Н.Жумаев олдинги айтганларидан қайтиб, буйортмачи Ражабов эди дея кўрсатма бера бошлайди.

Кейинроқ эса, унинг эри АҚШда эканлигини айтади ва аёлни АҚШга юборади. (Бундай жиноятчилар тўдаси чегара танмайди, уларда виза муаммоси йўқ). Ҳозир Алия Ражабова АҚШда яшайди ва эрининг халигача изини тополган эмас. Хар ҳолда унинг эри тириклар орасида бўлмаса керак. Чунки Акбар Ражабов қотилликнинг буйортмачиси ўлароқ ҳужжатлаштирилганига анча бўлган. Аммо Жумаевни бу ишгадан "тозалаган" куч, хар нарсага "қодир" раҳнамо ким бўлиши мумкин? Ўзбекистонда "адолатли маҳкама" қандайлиги ҳаммага маълум-ку. У йилларда Ўзбекистонда мавжуд системанинг шаклланиш жараёни юкори чўккига чиқаётгани ва майдонда Миродил Жалилов ("Зеромакс"), шунингдек Шухрат Ғуломов (МХХ раисининг биринчи ўринбосари) каби янги ўйинчилар пайдо бўлганди. Гулнора Каримованинг эса, бу вақтга келиб иштаҳаси анча карнайлашиб қолган, отасига тақлид килб, ер тепиниб сўкина бошлаганди ҳам. Буюк давлат кулаб, мустақиллик эълон қилингандан кейин Ўзбекистон раҳбарига "қонундаги ўғрилар" ва "жиноятчи карчалонлар институти" мерос қолди. Ўша пайтларда Ўзбекистондаги энг таъсирли "авторитетлар" Салим Абдувалиев ва Гафур Раҳимов эди. СССР кулаши оқибатида, улар ўзларига яхшигина капитал ўзлаштириб олдилар. Мустақиллик эса уларни Ўзбекистоннинг энг қувватли кишиларига айлантирди.

(Давоми 6-бетда)



## КАНАДА ХУКУМАТИДАН ЎХХҒА ЖАВОБ МАКТУБИ

Ўзбекистон халқ ҳаракати ташкилотининг Канада бўлими фаоллари ўтган йилнинг сентябр ойида Канада бош вазири Стивен Харпер номига мактуб йўллаган эдилар.

Мактубда, Ўзбекистон ичида инсон ҳуқуқлари тинимсиз поймол этилаётганлиги ва диктатор президент Ислом Каримов ўзбек халқига нисбатан геноцид сиёсатини юргизаётгани мисоллар билан санаб ўтилган ва Канада ҳукуматидан, Ўзбекистон билан алоқаларда инсон ҳуқуқлари мезонларига тўлиқ риоя қилишни талаб қилиш сўралган эди. Куни кеча, ЎХХ Канада бўлими, мамлакат ташқи ишлар вазири Жон Бэрд томонидан имзоланган мактуб олди.

Ўз мактубида жаноб Бэрд, аввало кечикиб жавоб ёзаётганидан узр сўрабди ва Канада ҳар доим инсон ҳуқуқлари борасида собитқадам эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари муттасил бузилаётганлиги ҳақидаги хавотирларга шерик эканлигини билдирган. Куйида Канада ташқи ишлар вазири Жон Бэрдининг жавоб хатини рус тилида ўқинг.

Канадскому отделению Народного Движения Узбекистана:  
Офис Премьер-Министра Стивена Харпера отправил мне 16 сентября 2011 ваше письмо и приложенный документ [Обращение к Правительству Канады] относительно ситуации с правами человека в Узбекистане. Я сожалею о том, что задержался с ответом.

Канада твёрдо верит в защиту прав человека и их содействию. Подписав Всеобщую Декларацию Прав Человека в 1948 году, Канада сделала права человека приоритетом в канадском законодательстве.

Я принял во внимание вашу озабоченность по поводу нарушений прав человека в Узбекистане. Я могу уверить Вас, что Канада продолжит привлекать и поддерживать те усилия в Узбекистане, которые направлены на обеспечение и уважение к правам человека и свободам для всех. Спасибо за то, что писали и поделились своим беспокойством.

С уважением,

**Джон Бэрд,**

*Министр Иностранных Дел Канады*

## КАРИМОВНИ СУДГА БЕРИШ ҲАҚИДА

БМТнинг собиқ қийноқлар бўйича Маҳсус маърузачиси, Ислом Каримов фақат унинг мамлакатида “тарқалган ва муттасил” қийноқлар учун жиноятчи сифатида судга тортилиши керак деди.

Гап, 1989 йили қатл қилинган Руминия раҳбари Николай Чаушеску ёки 2011 йилда судсиз отиб ташланган Ливия диктатори Муаммар Каддафи каби қасд олиш ҳақида бўлмаслиги керак, дея ҳисоблайди ван Бовен.

“Ҳар қандай энг ёмон жиноятчи ҳам адолатли судга лойиқ”, – деди Бовен ўзининг Uznews.netга берган интервьюсида, 1 март куни ўтказилган “Ўзбекистон бўйича олий йиғинда”.

Ўзбекистон президенти Ислом Каримов, ван Бовен фикрича, афтидан, Мисрда 2011 йилнинг февралда президентлик лавозимидан ағдарилгач судга берилган Хусни Муборакнинг қисматини такрорлайди.

Каримовга қарши иш аллақачон тайёр, дейди 2003 йили Ўзбекистон бўйича маъруза тайёрлаган ван Бовен.

Бу ҳужжатда, қийноқ амалиётлари Ўзбекистонда “тарқалган ва систематик” характер касб этиши аниқланган, шу нарсанинг ўзи Каримовни қора курсига ўтқазиб учун етарлидир

Ўзбек ҳукумати бу ҳужжатнинг аҳамиятини ўшанда ҳам англаб етишгани йўқ, дея давом этади ван Бовен.

Улар буни Андижондаги 2005 йилги қирғиндан кейин ҳам англашмади, Каримов ўз жиноятларини ушбу шаҳардаги намойишни ўққа тутиш билан яна ҳам кўпайтирди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб халқаро ҳужжатларни, жумладан БМТнинг қийноқлар ва бошқа жазо, ҳамда муносабатларнинг шафқатсиз, ноинсоний турлари бўйича 1984 йилги конвенциясини имзолаган. Ушбу Конвенция, дея давом этади ван Бовен, қийноқлар юзасидан универсал юрисдикция ўрнатганки, бу деган ҳукуматнинг ўзи қийноқлар айбдорини жавобгарликка торта олмаган тақдирда, уни бошқа ҳар қандай давлат, айбдорнинг фуқаролигидан ва уни содир этган жойдан қатъий назар жавобгарликка тортиши мумкин.



Ҳалқаро жиноят судининг Рим статутига кўра қийноқлар қўлланиши, агар у кенг миқёсда ёки ҳар қандай фуқаровий шахсларга систематик ҳужумлар тарзида бўлса (қ. 2 м.7) инсониятга қарши жиноят сирасига қиради.

Каримов 2011 йили Белгия пойтахти Брюсселга келганида уни жавобгарликка тортиш имконияти туғилганди, дейди БМТ Маҳсус маърузачиси, у Европа комиссияси ва НАТО штаб-квартирасида қабул қилинди.

“Каримов Брюсселга ўтган йили ҳеч оқибатсиз келиб кетди, бу янада унинг ҳурматини оширди, гарчи у жиноятчи сифатида судга тортилиши керак эди”, – дейди ван Бовен.

“Биз ҳали бу даражага етганимизча йўқ”, – дея тушунтиради ван Бовен, Каримовни судга бериш учун сиёсий иддаолар яратилиши кераклигига ишора қилиб.

“Бирок юридик тилда гапирадиган бўлсак, уни таъқиб этиш учун восита, қурол ва қонун бор”, – дея аниқлик киритади у.

БМТнинг қийноқлар бўйича собиқ маҳсус маърузачиси голландиялик Тео ван Бовен замонавий Ўзбекистон учун афсонавий шахсга айланди.

Унинг 2003 йилнинг мартада чоп қилинган Ўзбекистондаги қийноқлар ҳақидаги маърузаси, Ўзбекистондаги қийноқлар муаммосини олий даражада очиклади ва мамлакатга вазиятни тузатиш имконияти берилди.

Ўзбекистон ҳукумати, ван Бовен сўзларига кўра, маърузага эътибор қаратиб, муаммога ечилаётгандай тус беришга интилишди. Аслида эса, маъруза эълон қилинганидан кейин ўтган тўққиз йил давомида мамлакатда қийноқлар билан боғлиқ вазият янада ёмонлашди.

## ТАНҚИД ЭМАС ТАКЛИФЛАР



Ўтган ҳафта ҳаракатимизнинг баъзи аъзолари ўзаро тўпланиб, Ўзбекистонда қурилажак янги жамият ҳақида фикр алмашдик. Бу ерда ҳукуматни танқидни бир четга қўйиб, мамлакатамизда ЎХХ ўлароқ амалга оширишни режалаганимиз

ислохотлар ҳақидаги тасаввуримни ҳамюртларимизга қисқа ва лўнда ҳолда билдиришни хоҳлайман:

1. ЎХХ ҳукуматни ўз қўлига оладиган бўлса, аввало фуқароларга Ўзбекистонда ва хорижда саёҳат эркинлигини таъминлайди. Яъни, ОВИР визалари бекор қилинади. Яқин кўшниларимиз, Яъни Ўрта Осиё давлатлари билан ҳамда бошқа хорижий давлатлар билан визасиз саёҳат тизими йўлга қўйилади. Бу тарзда фуқароларимиз ўзлари истаган жойда яшаш, ишлаш, табдиркорлик ва тижорат билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

2. Ўзбекистонда яшашни истаган фуқароларимизга эркин тадбиркорлик, тижорат ва кичик корхоналар очиш учун шартлар соддалаштирилади. Яъни, истаган киши ўз маҳалласи ва қишлоғидаги солиқ масъулларига учрашиб, қандай фаолият билан шуғаланмоқчи эканлиги ҳақида қисқа баёноат варақаси тўлдириб беради ва шу шаклда фаолиятга бошлайди. Бундай табдиркорлардан солиқ фақат даромадга эга бўлгандан кейин, даромадига қараб маъқул миқдорда олинади.

3. Худди шундай деҳқонларга ҳам, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган (шу жумладан пахта етиштирадиган) фермер хўжаликларига ҳам эркин фаолият олиб бориш учун шартлар яратилади. Деҳқонлар қандай маҳсулот етиштиришга ўзлари қарор берадилар. Лозим бўлгандагина, агар хусусий фаолият билан шуғулланадиган деҳқонлар ва фермер хўжаликлари талаб қилганда, давлат уларнинг фаолиятига, масалан маҳсулотни четга сотиш каби масалаларда ёрдам беради.

4. Кичик ва ўрта корхоналарни қуриш ва ишлатиш ҳам қулайлаштирилади. Бозорлар тамоман эркин фаолиятда бўлади. Тижоратчилардан фақат маъқул миқдорда солиқ тўлаш, маҳсулотларни сотишда тозалик (гигиена) шартларига амал қилиш талаб қилинади.

5. Мана шу дастлабки тўрт ислохотни амалга ошириш билан халқнинг ўз қорнини ўзи тўйдириш муаммоси ечилади, иншаллоҳ. Чунки давлатнинг вазифаси халқни боқиш эмас, фуқароларга эркин иқтисодий фаолият юргизиш учун ҳуқуқий ва қонуний шартларни яратиб беришдан иборатдир. Шу билан бирга давлат ижтимоий жиҳатдан заиф табақаларни, яъни ногиронлар, ишсизлар, кимсасизларларга ижтимоий ёрдамни ўз зиммасига олади.

6. Иқтисодий шарт шароитлар ҳаммага бир хил бўлади. Яъни, ҳозиргидек ҳокимларнинг оилалари ва яқинлари истаганини қиладиган, оддий халқ эса хўрланадиган зулм тузуми тугатилади.

7. Жамиятда сўз, фикр, эътиқод, матбуот ва сиёсий эркинликлар таъминланади. Фақат бу эркинликлардан фойдаланишда суъистемолларга йўл қўйилмайди. Масалан, сўз ва матбуот эркинлигидан ахлоқсизлик йўлида фойдаланишга изн берилмайди. Дин масаласида гуруҳбозликка йўл қўйилмайди. Мустақил олимлардан иборат Уламолар Кенгаши тузилади ва давлатнинг диний сиёсати мана шу Кенгашнинг тавсияларига кўра амалга оширилади. Дин масаласида “Маърифат ва мусулмонларнинг иттифоқига эришиш” илқ мақсад сифатида танланади. Уз гуруҳларини тузишни истаган мусулмонларга Уламолар кенгашига мурожаат қилиш ва диний ихтилофларни шу Кенгашда ҳал қилиш тавсия қилинади.

8. Сиёсий ислохотлар Тунис ва Мисрда бўлгани каби умумий сайловлар ўтказиш ёки бўлмаса маҳаллалардан бошлаб, босқичма босқич туман, вилоят ва ниҳоят Давлат Халқ Мажлисларини сайлаш, давлат бошқаруви тармоқларини Қарор Қабул қилувчи (Давлат Халқ Мажлиси), Ижро муассаси (Давлат раиси Идораси) ва

Маҳкамаларга ажратиш орқали амалга оширилади. Давлат бошқаруви тизимларининг асосий вазифалари жамиятда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, адолатни тиклаш, қонунларнинг бажарилишини таъминлаш, ижтимоий заиф табақаларга ёрдам беришдан иборат бўлади. Бундай ислохотларни амалга ошириш вақт талаб қилиши халқимизга бутун оммавий ахборот воситалари ёрдамида тушунтирилади. Шу шаклда ўтиш даврида миллий, диний ва сиёсий низоларнинг олди олинган бўлади.

9. Сиёсий, диний ва иқтисодий соҳаларнинг тараққий қилиши билан маориф, соғлиқ ва ижтимоий таъминот соҳаларини ривожлантириш учун имконлар пайдо бўлади.

Бундай имкониятлардан халқимизнинг эътиқоди, миллий урф одатлари ва тарихига мос келадиган таълим тарбия, маданият ва маърифат тизимини йўлга қўйиш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

10. Менинг ЎХХ дўстларим билан сўнги учрашувимиздаги фикр алмашишдан кейин ватанимизда амалга ошириладиган ислохотлар ҳақидаги фикрларим янада теранлашди.

Булар албатта менинг ЎХХ оддий аъзоси сифатида тушунганларимдир. Балки бу фикрлардан баъзилари дастуригимиз ва низомимизга юз фоиз тўғри келмаслиги мумкин. Аммо ҳаракатимизда фикр ва сўз эркинлиги тўла йўлга қўйилгани учун бу фикрларимни жамоатчиликка етказишга қарор қилдим. Фикримча бундай ислохотлар натижасида ўртага чиқадиган ижтимоий – сиёсий муҳит Ислом Каримов диктатурасидан миллионларча бўлмаса ҳам, мингларча марта яхши бўлади. Ахир эркинлик, адолат, ҳуқуқ давлати, инсонларнинг Каримов ва унинг ҳамтовоқларига қул бўлишидан кўра, эркин фуқаролар бўлиши ҳамма нарсадан афзал эмасми?

Шундай экан, келинг ЎХХ сафларида бирлашайлик. Ҳаракатимизнинг яхши ниятлари ва мақсадлари амалга ошиши учун биргаликда курашайлик.

Ўқувчиларга ҳурмат билан  
**Уйғун Абдуллоҳ**

## БАХТСИЗ ПОЙТАХТ



Бир йилга яқин Тошкент ҳокимсиз эди. Яъни, Ўзбекистон пойтахти бир йил бошқарувчисиз қолиб кетди. Нимага?

Ўзбекистонда ҳозир бу саволни берадиган ҳам, унга жавоб топа оладиган одам ҳам йўқ, десак хато бўлмайди. Чунки ватанимизда ижтимоий-сиёсий ҳаёт турғунликка дучор қилинган. Бошқача айтадиган бўлсак, Тошкентда дарахларнинг япроқлари ҳам қимирламай қолганига мана йигирма йил бўлди. Пойтахтимиз кимсасиз, совуқ, худди бир ёш ёзувчи дўстимиз таърифлагани каби тобут ўхшаш шаҳарга айлантирилди мустақиллик йилларида...

Пойтахт матбуо т маркази аммо бу ерда нашр қилинадиган газета ва журналларни ҳеч ким ўқимайди. Ўзбекистоннинг марказий телевидение ва радио каналларининг маркази пойтахтда жойлашган. Аммо уларда жонли кўрсатувлар йўқ, фақат мотам руҳидаги қўшиқлар, масхарабозликни тарғиб қиладиган кўрсатувлар ва телесериаллар қўйилади...

Пойтахт ижод маркази бўлиши керак эди. Ўзбекистонда ижод ҳам, ижод аҳли ҳам ўлдирилганига йиллар бўлди. Бир қотил ва ғаддор одам пойтахтни шу куйга солди...

Тошкент талабаларнинг боғчаси эди бир замонлар. Талабалар талабалар шаҳарчасида куш каби учишарди у замонлар. Энди уларнинг ҳам қаноти кесилган. Илм йўққа чиқарилган жойда, талабага ким ҳам эътибор қаратар эди? Олимлар

йўлини йўқотганда, тўғрироғи улар илм билан шуғулланиш ўрнига, порахўрлик билан шуғулланганларида бечора талабанинг ҳолини ким ҳам сўрар эди?. Эссиз ёшлик, эссиз мингларча, миллионларча ёш умр... Ҳаммаси бир золимнинг қурбони бўлди.

Бугунги Тошкентда тириклик нишонаси бор жойлар мардикор бозори ва ошхоналардир. Руҳан ўлган инсонлар бу ерларга жисмонан ҳам ўлмаслик учун келадилар. Начора, инсон инсондир. Ҳеч қурмасе еб-ичиши керак-ку, ахир...

Тошкент кўчалари диктатор Каримовнинг миршаблари билан тўлиб тошган. Улар бирор тирик одам кўриб қолсалар, дарров уни уни аввал руҳан, сўнгра жисмонан йўқ қилишга киришадилар...

Мана шу Тошкентга янги ҳоким тайинланди куни кеча. Нима аҳамияти бор унинг кимлигининг? Балки Аҳмаддир, балки Тошматдир... Янги тайинланган ҳоким ўлик пойтахтни тирилтира олмагандан кейин унинг эскисидан нима фарқи бўларди?. Зеро, унинг ўзи ҳам жонсиз, мадорсиз ҳоким. Бир-икки йилдан кейин Каримовнинг пишт, дейиши билан қаёққадир ғойиб бўлади. Чунки уни халқ сайламади. Пойтахт халқининг хабари ҳам бўлмади Тошкентга янги ҳоким сайланганидан. Ёлғончи Президент ҳоким сайлаш маросимига келиб, яна катта-катта ёлғон сўзларни айтди. Ҳеч ким унга жавоб бермади. Балки Ислон Каримовнинг сафсаталарини тинлаганлардан бир неча киши бу ёлғонларнинг билан ўлиб кет, дея пичирлагандир. Аммо бу пичирлашлар лаганбордорларнинг қарсақлари шовқини остида қолиб кетди...

Қандай кунларга қолдинг Тошкент? Сенинг бахтинг яна бир марта очилармикин?

*Фурқатбек Адҳам*

## О “ШАТАНИЯХ” ИСЛАМА КАРИМОВА



“Шатания” И.Каримова по вопросу членства ШОС-ОДКБ и участия в учениях организации коллективной безопасности, объясняется просто. Не надо искать в тех или иных поступках (решениях) этого человека глубокого смысла стратегического или геополитического характера. Вещи следует называть своими именами. Ислам Каримов, как и всякий классический диктатор, страдает параноей. Болезнь есть болезнь и она не перестает быть ею из-за того, что дело касается международных вопросов.

Параноя у Каримова, прежде всего, это параноя страха перед потерей власти, приближающегося народного возмездия, параноя измены близких ему людей, родственников, дочерей, коих прочат в наследницы диктатора. Если бы он полностью – на 100% – ВЕРИЛ в то, что Россия и Китай никогда не поменяют его ни на оппозицию, ни на США, ни на Европу, он вошел бы в ОДКБ и никогда не вышел бы оттуда.

Но он НЕ ВЕРИТ им. Каримов серьезно опасается, что ОДКБ в руках великих держав (в лице России и Китая) будет орудием контроля его поведением, будет грозить лишить его власти в любое время, будет орудием, угодным этим великим соседям.

Хотя, и Россия и Китай никогда и ни на кого не поменяют Каримова, как не поменяли его и до сих пор. Все эти годы они были на 200% процентов на стороне Каримова, даже тогда, когда этот человек 7 лет тому назад беспощадно расстрелял тысячи безвинных людей в Андижане.

Да, они в своей преданности диктатору безупречны, но это не помогает делу. Опять же дело в том, что Каримов обречён НЕ ВЕРИТЬ, по той простой причине, что он – обыкновенный параноик. Хоть разорвись на части, не верит и всё! Такова природа болезни.

США и Европа знают характер этой болезни лучше, чем наши великие соседи и, поэтому, лучше ориентируются во мраке среднеазиатских диктатур. А Россия и Китай в этом вопросе слишком прямолинейны, как подобает наследникам коммунистических режимов.

*Мухаммад Салих*

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛАТГА ХАВФ ХИЗМАТИ, ИЧКИЛИК ИШЛАР ВА МУДОФАА ХИНЗИРЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Мусулмон мусулмонни ҳеч қачон изза қилмаслиги, камситмаслиги, ҳақорот қилмаслиги керак. Сабаби Расулulloҳ с.а.в. бадхулқ жаннатга кирмайди деганлар. Яна у зоти муборакнинг бошқа калималари ҳам бор-ки, унда фосиқни кўпчилик олдида изза қилиб юзига ошқора "Сен фосиқсан" дейиш жоиз экан. (Буни уламолар қандай таъбир этаркинлар билмадим-у, тахминимча ушбу ҳадис қайсидир шароитда жоиз, қайсидир пайтда суннат, қайсидир фурсатда вожиб, юртимизда эса ҳозирги кунда фарз бўлса эҳтимол). Гуноҳни ошқора қиладиганни фосиқ дейди.

Хавфсизлик хизматининг ҳозирги кунда амалга ошираётган ишлари, аслида бошимизга тож қиладиган сиймоларни бирма-бир йўқ қилиб, миллатнинг кушандаси "вазифасини" бажармаяптими?

Милиция ходимлари-чи?.. Уларга нон берма ош берма, фақат бир бутилка ароқни консерва бонкасига қуйиб берсанг бас. Газагига яғир ёқасини ҳидлайди-ю, мустабиднинг буюрганни қилаверади.

Қуроли кучлар-чи?.. Куч сўзидаги "ч" билан "к" харфлар ўрнини атай алиштирдим-ки, сабаби ИАК бир йигитнинг умри давомида халққа "менга қарши бир нима десаларинг, ё қилсаларинг, сенларни қуроли кучларим билан ўшанақа қиламан" деб келяпти ва сўзини устидан ўта муваффақиятли чиқяпти.

Ҳарбийларимиз-чи?..Қайси давлатда яшяпти-ю, қанақа шахс ҳукмронлик қияпти, уларга фарқи йўқ. Ҳукмдори "мени ҳимоя қил" деса харбийлар уни ҳимоя қилаверишади. Зулмга қарши курашаётган адолатпарварларми, бола-бахра, ёшу-қари аёлларми, ўз халқими фарқи йўқ "ўт оч" деса отаверишади. Халқини ўз қўли билан шафқатсиз қирғин қиладиган биздан бошқа яна қайси давлатда бунақа харбийлар бор? Европани айтмай... Грузин харбийлари ёки рус аскарлари бизниқига ўхшаб, от деса ватандошларини каклик отгандек овлайверишармикин? Бизникилар эса тап тортмай отаверишади. Ватандош харбийларимизми бошқа куч ишлатарларимизми, Мустабид битта жасорат ордени тақиб қўйса бас, навбатдаги тўқнашувда хатто ўзларига қарши турган жигарларини ҳам автоматдан ўтказишади.

### Сўзларим нотўғрими?

Ноҳақ бўлсам, буни ҳали исботлаш имконингиз бор. Аммо бу имконият бир марта ва сўнги бор берилади. Ноҳақ эканимни исбот қилмоқчи экансиз, Фурсат ҳар тарафлама батамом келган кун халқингизга саф

тортиб ўқталган қуроладингизни орқа тарафингизга қаттолга ўгирилиб тўғриланг. Наҳотки, ҳали ҳам аслида ватан хоини ким эканини билмаётган бўлсангиз. Ростдан ким эканини билмаяпсизми? Ёки билмагандек ўзингизни овсарликка соляпсизми? Миллат олдидаги кечирилмас айбингизни ювиш сўнги имкониятини қўлдан бой берманг.

МХХ ходимлари юрт сув қуйгандек тинч кўринаётганидан хотиржам бўлманг, нарис билан яна икки марта нарх-наво ошса, авомнинг аҳволини ўшанда кўрасиз. Давлат ғазнаси йил сайин эмас, кун сайин шип-шийдон бўлиб, сўнги чақалар сидириляпти. Коррупция кульминациясига етган. Майда порахўрларга нон қолмаяпти. Сиз учун ўнлаб институтлар, муассасалар, аналитик бошқармалар фаолият кўрсатишади. Лекин улар ҳам инсоннинг сабр косаси қачон тўлишини, қўрқоқлик чегараси қаерда тугашини аниқ айта олмайдилар. Бу ҳодиса бутун халқ томонидан ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган тарзда бир лаҳзада содир этиладики, кўз олдингизга "Торнадо"ни келтираверинг.

Шуни ҳам билинг-ки, бу ҳодиса сунъий равишда ё фитналар туфайли ёинки зўрма-зўраки юзага келмайди, Вазият ҳар тарафлама оби-тобида етилади. Мустабид чолни ой сайин мункиллаши, алжираши, инжиқлигининг ҳад билмаслиги, халқининг аҳволи кун сайин уни мутлақо қизиқтирмаслиги, ҳатто унга ахборот етказиши керак бўлган мулозимлари вазият қанақа эканини айтишдан хайқишлари. Қўйинг-чи, мамлакат нафақат иқтисодий, балки маънавий маънода ҳам ҳар тарафлама чириб қуриб бўлган ўша кун етганда билинади. Лекин бу кунга сиз ўйлагандан, ҳатто биз ўйлагандан ҳам оз қолган бўлса ажабмас.

Агар сиз, МХХ ходимлари, шу пайтдан бошлаб ўзингизни (фитратингизни) ўзгартиришга уринмас экансиз, бу дунёдаёқ янги халқ ҳокимияти тарафидан оғир жазога йўлиқасиз. Тўғри, совет давридаги КГБ ходимлари давлатига охиригача ҳалол ва содиқ хизмат қилишган. Улар шундай тайёрланганлар ва шундай содиқ одамлар фуқаро ичидан танлаб олинган. Лекин у пайтда совет ҳокимиятининг асл башарасини, туб моҳиятини ким ҳам англай олган. Энди ИАКнинг қилганларини қўяверинг, уни ҳатто башарасидан кимлигини бешиқда ётган чақалоқ ҳам билади.

Вақти келиб балки виждон азоби сизни қийнар. Унга қадар сизга

гўзал таклифим бор. Агар сизда ўша виждон, ўша Иймон заррача бўлса, уни бутунлигича асраш йўлини кўрсатиш ниятидаман.

Аввало сиз ҳам халқ тарафига ўтиш ҳақида яхшилаб узил-кесил ўйлаб кўринг. Индамасдан, ё илимилиқ фикр юритмасдан, ё умри тугаб бораётган қонхўр золим тарафда собит тураверинг, ё эзилган рўшнолик кўрмаётган халқингиз тарафига ўтинг. Халқ тарафига ўтишга қатъий аҳд қилган бўлсангиз, вазифангизда ишлаб турибоқ, ўзингиз учун хавфсиз бўлган ҳолда халқингизга зимдан ёрдам беришингиз мумкин...

Бу нималардан иборат? Ҳеч бўлмаганда, интернетдаги муҳолиф фикрларга, айниқса Мухаммад Солиҳ ва унинг тарафдорлари томонидан ёзилган мақолаларга ипириқчи гапларни изоҳ тарзида киритманг. Дейлик раҳбарингиз шу маънодаги изоҳ киритишингизни талаб қиялпти.

Ёки шунга ўхшаш мақола ёзишингиз керак, Сиз шундай мақола ёки изоҳ ёзингиз, гўё муҳолифатни ерга ураётгандек кўринсангиз-да, аслида "ним коса" қабилида унга хайрихоҳлигингиз билиниб-билинмай қолсин. Яъни шахматдаги от юриш каби.

Навбатдаги иш. Мана ҳозир "Халқ нидоси" фильми кенг оммалашиб борапти. Сиз эса Фильм тарқатаётганларни ушлаш пайида юрибсиз. Шуларни ушламанг, қўйинг. Ўзингизни кўрмаётган, билмаётганга олинг. Иложи бўлса, қўлга тушиб қолмасликларини учун уларни ҳимоя қилинг. Қатъиятингиз етса, ҳашар шаклида унча-мунча ўзингиз ҳам фильмини тарқатишинг.

Ахир кўп катта ишлар ҳашар йўли билан битган-ку.

Яна ўзингиз билган раҳбарларингиз буюрган бошқа ишларни ўзингиз бу ёғига қўлбола қилиб болганг. Йўқ, мен фантаст ёзувчи эмасман. Ахир ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз.

"Шундай қилсам давлатимга хиёнат қилган бўламан-ку" деган хаёлга борманг. Хиёнат қилаётган киши қалбига Аллоҳ қўрқувни, қилган ишидан ўзи норози бўлиш ҳиссини ва турли нохуш кайфиятларни солади. Аксинча, буни Иймон бурчим деб билсангиз, руҳингизда шундай бир пок хилқат пайдо бўлади-ки. Бунинг завқу-ҳузурини фақат ўз танасидан ўтказган билади.

Наҳотки, келажакда адолатпеша давлатда яшашни ва ҳамisha ўз нафсини пок тутадиган ҳукмдор келишини истамасангиз?

## ТОШКЕНТДАГИ “РАЗБОРКА”ЛАР

(Давоми. боши 1-бетда)

Бу икки энг кувватли киши, ўз ҳайбатини Каримов қизларининг рухсати доирасидагина саклаб тура олдилар. Гулнора ўзбек тижоратини қўлга олганидан кейин, унинг тижорий ишларини юрита оладиган лаёқатли мутахассис ахтаришга киришди. Бунга номзодлар иккита эди – Шапиро ва Миродил Жалилов (“Зеромакс”нинг бош директори).

Бундан Шапиронинг ўлдирилишидан авваламбор Миродил Жалилов манфаатдор эканлиги маълум бўла бошлайди. Ҳақиқатан ҳам бу жиноятдан кейин Миродил Гулноранинг барча инжиқликларига “мик” этмасдан қўнади. Бунинг эвазига Миродил Ўзбекистон нефт-газ тижоратининг норасмий рухсатномасини ҳам қўлга киритади.

Айни пайтда Махмуд Худойбердиевнинг МХХдаги хомийси, “Тожикистон ва Афғонистон бўйича мутахассис”, МХХ нинг Сурхондарё вилояти (наркотрафикнинг энг кўп қисми шу вилоятдан ўтади) бўлимининг собиқ бошлиғи, Андижондаги хунрезликлардаги жонбозлиги учун “Ўзбекистон қахрамони” унвонини олган, раҳм-шафқатсиз, тутуриксиз, жоҳил ва ёш генерал Шухрат Ғуломов ҳам МХХ пиллапояларидан юқори кўтарила бошлаганди. Бу учта шахс биргаликда кўзга кўринган молиявий куч тизимини тамсил эта бошлайдилар. Шухрат Ғуломов ўша Гулнора-Миродил тўдасининг кучишлатар тизимларидаги “лоббиси”га айланади.

Ана шу вақтдан бошлаб, мамлакатдаги турли хил бизнес-тизимлари уларнинг қўл остига ўта бошлади. Масалан, “Перфектум мобайл” мобил алоқа хизмати, “Бизнес банк” ва бошқалар. Илгари Ғафур Раҳимовга тегишли бўлган “Зеромакс”ни (компаниянинг таъсисчиларидан бири америка тарафидан Гарри Хюстас бўлган эди) Гулнора тўла ўз ҳукмига олди.

Кейин Гулнора ва Шухрат Ғуломовлар Афғонистонга ўтадиган транзит юкларни назорат қила бошладилар. “FMN-logistic” компаниясида Гулноранинг ҳиссаси бор. Афғонистонга транзит юкларда Гулнора бош “субподрядчик” ҳисоблана бошлагач, Ғафур Раҳимовда қора қулар бошланди, унинг бизнес-тизимлари бирин-кетин қўлдан кета бошлайди. Ҳукмрон оила уни ёқтирмай қолди. Салим Абдувалиев эса, аксинча “гуллаб-яшнаш” бошлади.

Чунки у оилага жуда яқин бўлиб олганди, ҳатто Алишер Усмонов ва Каримов оиласи орасида “боғловчи” звенога айланганди. Умуман олганда, Ғ.Раҳимов 2005 йилгача ўзбек махсус хизматларига “маъқул киши” ҳисобланарди. У “кўча”даги тартибни назорат қилар, Ўзбекистонга чечен мафиясини киритмаслик вазифасини бажарар ва ҳукумат ўзи қила олмайдиган кўп “қора ишларни” бажарарди.

Зокир Алматов (собиқ Ички ишлар вазири) вазафасидан кетгач, Ички ишлар вазирлиги бундай гуруҳларга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатолмайдиган бўлди. Оқибатда, кучлар мувозанати бузилди ва мамлакат мана шу бугунги ахволга тушди.

МХХ мамлакатда энг кучли тизимга айланди ва унинг кадрлар сони икки марта кўпайтирилди. Амалда бу ташкилот ҳамма ишларнинг устидан ўз назоратини ўрнатди, ҳатто МХХ савдогарлик билан ҳам шуғуллана бошлаган. Бугун МХХ ва президент оиласи иккиси биргаликда даромадли тижоратнинг барчасини назорат қилади ва бошқаради.

Энди Гулноранинг тўймас нафси учун яна-да кўпроқ нарсалар керак бўлиб қолганди ва у Ғ.Раҳимовдан йилига 500 млн. доллар ҳисса тўлашни талаб қилди, аммо Ғ.Раҳимов бундай талабни рад этди. 2010 йил Ғафур Раҳимов учун кескин бурилиш йили бўлди, ана шу вақтдан бошлаб МХХ ва оила тарафидан уни қийнашлар бошланди. Унинг барча ходимларига жиноий ишлар кўзгатилди, қариндошлари қамокка ташланди, ўзи эса Ўзбекистонга қайтиб кира олмайдиган бўлди.

Бугун ҳар бир ресторан ёки кичкина “фитнесс салон”ларининг ҳаммаси Каримовга ҳисса тўлайди.

Бугун Гулнора Каримова Ўзбекистондаги уюшган жиноятчиликни ўз шахсида бутунлай жамлаб олган бир хотинга айланди. Бу вақт ичида Шухрат Ғуломов ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлаб олди. Масалан, илгари Каримовнинг ҳузурига фақат Иноятов бемалол кира оладиган бўлса, энди бундай ҳуқуқ Ғуломовда ҳам пайдо бўлди. “Ота” ҳузурига кириб, унга тўда(клан) манфаатларига мос бўлишлигини сўзлаш жуда катта имтиёздир.

Аммо, нима учун бугун Ғафур четлаштирилди ва нима учун АҚШ молия вазирлиги унинг бадном қилинишидан манфаатдор? Нима учун молия вазирлиги Ғафурнинг “хамкасблари” (Салим Абдувалиев ва Нозим Жумаев)ларни ўз “эътибор”и доирасидан четда қолдирапти? Бундай мужмал танловда АҚШ жуда муҳтож бўлган Афғонистон коридорининг эгаси – диктатор Каримовнинг қизи “Гуля” бирон роли борми?

Бир нарсаси маълум: Шапиро ўлдирилгач, М.Жалилов Ўзбекистондаги барча тижорат структураларини Ғ.Каримова назоратига ўтказадиган молиявий-сийсий гуруҳ тузишини тугаллади. Ш.Ғуломов эса, бу гуруҳ учун юмшоқ ҳуқуқий-куч ишлатар системасини тўшаб берди, ва унга Ўзбекистондаги ҳамма тўлиқ бўйсундириб, йўлида ким турган бўлса, барчасини йўқ қилди ва қамокларга ташлатди. Маълумки, Ўзбекистон йиллик бюджетининг 30% наркотрафикдан тушган пуллар билан тўлдирилади.

Гулнора (Ш.Ғуломов) гуруҳи учун маълум мақсадларни амалга ошириш учун катта жиноятчилар керак эди. Ғафур бу ролга тўғри келмай қолганди. Таъбир жоиз бўлса, у эски “патриарх” эди. Унинг шахси ёш бўриларга ёқмаётганди. Уларга бошқаси керак эди. Жиноятчилик тизимининг барча бўғинлари билан алоқаси бўлган, замонавий, яна-да принципсизроқ, иймонсизроқ, тайинсизроқ, уятсизроқ бир жиноятчи керак бўлаётганди. Ва бу ролга Жалиловнинг таклифи билан Шапиронинг буюртмачиси Нозим Жумаев келтирилди. Режа жуда содда ва оддий: қотилнинг кўрсатмаларини ўзгартириб, бутун жиноятни Ражабов устига ағдариш ва шу билан Жумаевни очикка чиқаришдан иборат эди.

Бу масала билан МХХ уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг бошлиғи Сергей Сергеенко “жиддий” шуғулланди.

Ғафур гуруҳини тугатиш ва Ғафурнинг ўзини обрўсизлантиришга бағишланган бутун амалиётни С.Сергеенконинг бошлиғи Шухрат Ғуломов олиб борди. Оқибатда, Ғ.Раҳимов оиласи билан Ўзбекистондан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Кўраёписизми, МХХ генерали Ш.Ғуломов бу махфий ўйинларда қандай муҳим роль ўйнамоқда. Бу шахсни яхши кузатиб бориш. Ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, Ш.Ғуломов сўнгги олти йил давомида Афғонистондаги Америка махсус хизматлари билан жуда яқин алоқа ўрнатган. У советлардан қолган эски “стингерларни” Толиблардан арзонга сотиб олиб, америкаликларга қимматроққа сотиш билан чўнтагини анчагина қаппайтириб олди. Бу олиб-сотишлардан тушган даромад Дубайга жўнатилади ва улар Ғуломовнинг барча ишларида энг яқин дўсти, МХХнинг истеъфодаги полковниги Савинков тарафидан қўриқланади.

АҚШ молия вазирлигининг “баёноти” аслида МХХ тарафидан олиб борилаётган ишларнинг қўллаб-қувватланишига ўхшаб қолмаётими? Бизнинг тахминимизни тасдиқлайдиган яна бир далил, Раҳимовнинг орқасидан дархол Ўзбекистон бош вазири Мирзиёевнинг жонли ҳамёни Лазар Мирзояннинг ҳам “персона нонграта” эълон қилинишидир.

Ҳа, Ш.Ғуломов бу арманини овлашга уч йил сарфлади. Чунки Лазар, МХХ ертўласида Мирзиёевга қарши кўрсатмалар бериши учун жуда зарур эди. Бирок уни вақтида огоҳлантиришга улгурдилар ва у Дубайга қочиб кетишга улгурди.

Бугун Лазар (Ўзбекистоннинг асфальт кироли) унинг Хўжайинини батамом тугатиш учун Ўзбекистон МХХсига жуда зарур.

Тошкентда бугун ишлар мана шунақа, оғайнилар.

*Абдукарим Сулаймон*

## ЭНДИМИ?



Хукуматнинг хуфяси бугун бир сирли хабарни тарқатди. Унда айтилишича Ўзбекистон Сенатининг бугунги йиғилишига қутилмаган қонунлар лойиҳаси киритилади ва бу қонунлар қабул қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Президент бошқарувидан парламент бошқарувига ўтиши мумкин!

Ўзимизни ушбу хабарни эшитмагандек тутишимиз мумкин эди. Чунки Ислом Каримовнинг ҳеч қандай ислохотни амалга ошира олмаслигига унинг 23 йиллик салтанат йиллари далилдир. Дейлик, Худо инсоф бердида, хуфяси оммага билдиргани каби Каримов Ўзбекистондаги тизимни бошқа томонга ўзгартирмоқчи бўлди? Бунинг маъноси нимадан иборат бўлади?

Аввало ҳозирги тизим диктатурадир. Яъни, бир золим раҳбарнинг зулм режимида. Бу режимда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг табиийлиги йўқ қилинган. Яъни, жамият нормал яшаш ва ўз ўзини бошқариш қобилиятини йўқотган. Ҳамма нарса Оксаройдаги ҳокими мутлақнинг хоҳишига бўйсундирилган. Жамиятнинг нормал яшаш ва ўз ўзини бошқариши, деганда нимани назарда тутаямиз? Бу инсонларнинг эътиқод (мафкура), сиёсат, иқтисод, ижтимоий адолат соҳаларида ўзаро низо ва тушунмовчиликларни йиғиштириб, бу соҳаларда муросага келишлари ва шу шаклда жамиятда умумий муросанинг йўлга қўйилишини билдиради.

Ҳўш, шундай муроса борми бугунги Ўзбекистонда? Сиёсатдан ва умуман Ўзбекистондаги бугунги аҳволдан озгина хабари бўлган киши бу саволга тарадуд этмасдан Ўзбекистонда бундай муроса йўқ, деб жавоб беради. Шундай экан, Ислом Каримовнинг режимини Президентлик режими, деб ҳам атаб бўлмайди. Ўзи йўқ бўлган нарсани эса бошқа шаклга солиш, яъни хуфя сайт хабар бераётгандек, Ўзбекистондаги давлат тизимини Президент бошқарувидан парламент бошқарувига ўтиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз инсоф мавқеимизни тарқ қилмасдан, яна

Каримов режимининг парламент тизимига айланиш лойиҳасини кўздан кечиришга уринайлик. Парламент (бундан кейин Халқ Мажлиси тизими деймиз) тизимида Президент рамзий иқтидорга эга бўлади. Халқ Мажлиси (Парламент) қонунларни қабул қилади ва Бош вазир курадиган ҳукумат ижро бошқаруви ҳисобланади. Маҳкамалар мустақил бўлади ва шу тарзда сиёсий кучнинг юқоридаги уч нуктада (Халқ Мажлиси, Ижро Бошқаруви ва Маҳкамалар) тақсимланиши натижасида жамиятда сиёсий барқарорлик ўрнатилади. Ҳозир тараққий қилган, дея ҳисобланадиган мамалакатларда (хусусан ғарб давлатларида) жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик мана шу шаклда таъминлангандир.

Сўз ушбу давлатларга келган экан, ҳамон уларда биз юқорида таъкидлаган эътиқод (мафкура), сиёсат, иқтисод, ижтимоий адолат соҳаларида бу давлатларга хос ва мос муроса шакли ўртага чиққанини таъкидламоқчимиз. Яъни, эътиқод (мафкура)да атеизм, сиёсий соҳада Халқ Мажлис тизими (Парламентар тизим), иқтисодий равақ (бу икки йўл билан таъминлаган, биринчиси ғарбнинг дунёдаги иқтисодий ҳокимияти ва бу давлатлардаги илм ва техника тараққиёти билан) ва буларга асосланган ижтимоий адолат...

Ислом Каримов ўз диктатурасини Халқ Мажлиси (Парламентар) тизимга айлантиришни истаганда ҳам мамлакат бошқарувидаги хўжа кўрсинга амалга ошириладиган ўзгаришлар Ўзбекистондаги оғир ижтимоий-сиёсий аҳволни ўзгартаришга кифоя қилмаслиги мумкин.

Бунинг асосий сабаби ислохотларнинг халқнинг онгида ва кундалик ҳаётида ўз ўрнини топмаганлигидир. Халқимиз бундай ислохотларнинг мазмунини тушуниб етиши учун эса сўз, фикр ва матбуот эркинлиги мутлақо шартдир. Бундай эркинлик эса ўз ўзидан Ислом Каримов қатоғонларининг оммавий равишда тергов қилинишини билдиради. Бу эса ислохотчи Каримовнинг аслида жиноятчи Каримов эканлигини халққа расмий эълон қилишдир. Ўзбекистон диктатори бундан тан олишга тайёرمи? Агар Ўзбекистонда бирор ислохот ўтказишни истаса, Каримов аввало мана шу саволнинг жавобини бериши керак...

*Йўлдош Абдулла ўғли*

## М БЕКЖОН. УСТУДАН ҲУКМ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИ



Қашқадарё вилоят суди апелляция ҳайъати журналист ва муҳолифатчи Муҳаммад Бекжонга чиқарилган янги беш йиллик ҳукми яқинда тасдиқлади. Муҳаммад Бекжонга (Бекжановга) ҳукм, 24 январ куни, деярли 13 йил маҳкумликдан кейин озоликка чиқишига бир неча ҳафта қолганида Қашқадарё вилоятининг Косон шаҳар суди томонидан чиқарилган эди.

Қарши колонияси маъмурияти Жиноят кодексининг 221 моддаси “Жазони ўташ муассаси қонуний талабларига бўйсунмаслик” бўйича янги жиноий иш очди.

Кеча, 15 март куни, апелляция суди чиқарилган ҳукми тасдиқлади.

Бекжонов ва унинг ҳимояси янги ҳукмга протест киритиш учун яна бир имкониятдан фойдаланишмоқчи. Ҳозирги кунда Бекжоновнинг адвокати Ўзбекистон Олий Судига шикоят тайёрламоқда, бу ишни мазкур маҳкама назорат тарихида куриб чиқади.

Муҳолифатдаги “Эрк” партияси лидери, қувғиндаги Муҳаммад Солиҳнинг укаси, партия газетасининг собиқ бош муҳаррири, Муҳаммад Бекжон биринчи жазо муддатини 1999 йили олган. Суд уни 15 йилга ҳукм этган. 2003 йили амнистияга кўра унинг муҳлати 3 йилу 8 ойга қисқартирилган.

Муҳаммад Бекжонов партияга аъзолиги ва фаолияти учун турма жазоси қўлланилган “Эрк” газетасининг ягона журналисти эмас. У билан бирга унинг икки укаси ҳам қамалган – Комил Бекжонов қамқондан амнистияга кўра 2003 йили, Рашид Бекжонов эса 2011 йилнинг мартада озоликка чиқарилган.

«Эрк»нинг яна бир журналисти Юсуф Рўзимурадов ҳам панжара ортида қолмоқда. У ва унинг қариндошлари ўртасидаги алоқа беш йил бурун узилган, журналистнинг тирикми ёки йўқлиги номаълум.

## ИСЛОМ КАРИМОВ АЗИЗБЕКМИ?



**Ассалому алайкум ҳурматли  
УХХ сайти раҳбарияти!**

Яқинда сайтингизда “Бахтсиз пойтахт” номли мақолани ўқиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам бугун Тошкент жонсиз шаҳарга айланди. Буни ўйлаб Абдуллола Қодирийнинг “Утган кунлар” романидаги Тошкент ҳокими Азизбекнинг шаҳар халқига қилган зулми эсимга тушди. Кеча берилган хабарга кўра Тошкентда маиший хизматлар нархи янада кўтарилар экан. Бу ёғини машҳур ёзувчимиз китобидан ўқийлик: “Азизбек энди хотиржам эди. Қипчоқларнинг қайтадан Тошканд устига келишларини эҳтимол ҳам тутмас эди. Чунки ўзининг қипчоқларга берган зарбасини уларга юз йилсиз ўнглаш бермас, деб билар эди. Ҳамма нарса жойида, лекин бир нарсагина кўнгилнинг ниҳка, ингичка ерини жароҳатлайдир. Азизбек кўзига ҳозир ёруғ дунё қоронғу, бу қоронғулик ичида бояги ширин хаёллар, ишлатиладирган тожу тахтлар ва бошқалар кўринмай қоладирлар: етмиш кунлик қипчоқ уруши минг турлик йўллар билан йиғилган хазинани барбод берган, хазина қипчоқлар устидан ғалаба ва истиқлол мастликлари йўлида қуриган, фуқаронинг жон отиб, қипчоқларни қириб йўйганлари учун инъомларга, эҳсонларга ва озиқ овқатларга қурбон қилинган. Мана шу эди Азизбекнинг кўз ўнглари қоронғулатадирган жароҳат! Бу ишинг кенгашига эмас, берилган қарорни амалга ошириб беришлик учун Юсуфбек ҳожига йигит юбориб, ҳозир уни тўрт кўз билан кутиб ўлтурар эди. Ниҳоят ярим соатлик бир кутишдан сўнг Юсуфбек ҳожи эшик остидан кўринди. Азизбек одатий қаршилаш ёнига бир навозиш (сийлаш) ҳам илова қилиб, ҳожига юқоридан жой кўрсатди. Бу фавқудодда навозиш сабабини ўйламоққа ҳожининг вақти йўқ, чунки ўзининг қайғуси ўйлашқа, фикрлашқа етарлидир. Кўзининг оқу қораси бўлган Отабекнинг ҳоли нима кечти, қоронғи зиндонларда, рутубатлик, зах ер остларида очликдан, ташналиқдан, совуқликдан азиз кўкрагини ерга бериб жон бердимикин? Золим беклар, қонхўр ҳокимлар, раҳмсиз жаллодлар,

машъум дорлар ва қўрқоқ халқлар орасида кекса отасини, муштипар онасини кўралмай дунёдан кетдимикин? Мана шундай минг турлик васвасалар ичида қаршисидаги Азизбекни ҳам унутмоқда эди. Азизбек бўлса “жавоҳир қадалган тожлар, олтин тахтлар, нозанин паривашлар, донғдор марҳамлар” ҳақидагина ўйлар эди. -Ҳожи, деди Азизбек сўз очиб, -маним сизни ўрдага чақирганим сабабини албатта билмагандирсиз? Юсуфбек ҳожи хаёлидан кўз очди: -Таксир... чақирингиз албатта фуқаронинг тинчлиғи, раёнинг (халқнинг) роҳати, ҳукуматнинг барқарор турмоғи учундир. Ҳожининг бу сўзи Азизбекни яшиндек урди. Унинг кўз ўнглари қоронғулашиб, ҳалиги ширин хаёллар тағи қоронғилиқда яшириндилар. Ул ортиқча ўнғайсизланди ва тилар тиламас: -Шундоғ... деди ва бироз ўйланиб қолгондан кейин, етмиш кунлик қамал билан хазинамиз жуда ғарибланди, ҳатто шу кейинги кунларда сипоҳларнинг озиғи учун ҳам қийналиб қолдиқ. Мана шу тўғриларда сизни кенгашка чақирган эдим. -Маъқул, тақсир. -Мен бу тўғрида бир қарорга ҳам келиб қўйдим. -Қарорлари муборак бўлғай. -Қарорим шундан иборатдирким, эртадан бошлаб юртқа ўттуз икки тангадан солиқ сочасиз. Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиғи ва ўғул қайғуси билан асабийлашкан эди. Азизбекнинг бу аблаҳона қарориға қарши қизишди. Азизбекнинг бу золимано буйруғига қарши қаттиғ сўзлар айтишқа ўйласа ҳам аччиғининг қандай кишига айтилишини ўйлаб, ўзини бироз йиғди: -Таксир, амрингизга қарши тушадирган жойим йўқ, -деди, -лекин шунисини бироз ўйламоқ керакки, юрт етмиш кун қамал кечирди. Онадан туғма азоблар, очликлар ўтқарди ва ўтқармақда. Менга қолса бу кунларда ўттиз икки танга эмас, ўттуз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. Юрт беш-ўн кун орқа-ўнгини олсин, сўнгра... Ҳожи сўзини тугата олмади, ҳожининг терс сўзига чидалмаган Азизбек ваҳшийларча ҳайқирди: -Нима дейсан?! Ҳожи ишнинг бунчалик ёмонға кетишини ўйламаган эди. Шу дақиқада ишнинг олдини олмаса, энди гап фақат Азизбекнинг жаллод чақиршиға келиб қолди: -Таксир, сиз йиғ, дер экансиз эртага эмас, бу кунданоқ йиға бошлаيمان. Юрт қани бермасок-чи? Фақат менга сизнинг буйруғингиз кифоядир.

Бу сўз Азизбекка сирҳ каби таъсир қилди, даҳлизда турғувчи йигит орқали жаллод чақиршиға жўбланган тили ўз зарарига ҳаракатланди: -Урда бегига айт, ҳожига бир кимхоб тўн чиқариб кийдирсин, -деди. Юсуфбек ҳожи эғнида кимхоб чопон билан ўрдадан чиқди. Ўрдадаги “Чопон муборак бўлсин”, деб сўрағувчиларға истеҳзо илжайиши остида бир турлик муҳмал жавоб берар эди. Ул ўрда кўпригидан ўтар экан, бояғидек қилиб, ўзича бир кулимсираб қўйди ва телбаларча ўз-ўзига сўзланиб кетди: “Ўттиз икки тангадан солиқ йиғ, эмиш... Бир ҳафатадан кейинга қолмасин эмиш... Солиқ йиғишда қаршилиқ қилганни даррага ётқишиз, мувофиқ кўрилганда осдириш ҳаққи ҳам менга берилган эмиш... Гўё Юсуфбек ҳам ўзидек бир қонхўрға, бир золимга айлансин эмиш. Мен қонхўрлик учун Худонинг фарз қилган ҳажини адо қилмадим. Олдимда ўғлум бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқишиш чоғида кундаланг келадирган виждон бор, дин бор, диёнат бор. Бизнинг халқни ер ютсин. Азизбекнинг тулкилиғига учдида, унинг кечаги зулмларини унутди, етмиш кунлаб бир замон жон бериб, жон олиб, ниҳоят хизмат ҳаққи учун ўттуз икки танга мукофот, энг кейинги бурда нонинги ҳам бер!”

### 21. ИНҚИЛОБ

Юсуфбек ҳожи устида бояғи кимхоб тўни билан Шайхантахурнинг Занжирлиғиға етиб, гузарда йиғилиб ўлтурган ва ўзига салом бериш учун ўринларидан турган халққа хитоб қилди: -Уйинг куйсин, мусулмонлар! Яхши деб йўлида жон берганинг Азизбек, бу кун сенларга яхшилиғингни ўттуз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди. Ҳозир сенларга икки йўл: ўғул, қизингини сотиб бўлса ҳам ўттуз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ёпиб Азизбекни орадан кўтариш... Уйинг куйди, мусулмонлар! -Ўттиз икки танга! Халқ Юсуфбек ҳожидан бир зарра қадар ёмонлик ёки бўлмағир бир кенгаш эшитмаган ва шунинг учун ул қаёққа юрса, шу ёққа боришға ҳозир турар эди. Айниқса ўттуз икки танга доврўғи гузар аҳлининг юракларини уюшдириб, буни эшитиш билан исёнга қўл қўйдилар. Бошлаб Занжирлик халқи кўчаларга чип (ғов, баррикада) ташлаш, Азизбекка қарши уруш ҳозирлиғи кўриш хаёлиға тушди. Юсуфбек ҳожи то эски Жўвага еткунча ўзининг юқоридаги сўзини куй, гузар халқига тақорлаб келмақда эди. (Давоми кейинги бетда)



## ИСЛОМ КАРИМОВ АЗИЗБЕКМИ?

(Давоми олдинги бетда)

Эски Жўвада азим бир жамоат йиғиб, Азизбек билан бўлган мажорасини сўзлади ва устидаги кимхобни кўрсатиб истеҳзо тарикасида:

-Солиқни бермангиз, демайман. Чунки сизнинг итоатингиз менга бундоғ тўнлар берар, деди. Халқ ниҳоятда қизишди. Гуё бириси қувраган тўқайга ўт туртди. Хўлу қуруқ деганларидек, катта-кичик баробар ёнмоққа олди. -Яхшилиғимизни унутди, тўнғиз! Уттуз икки тангани яхшилаб берайлик биз унга! Ози бир ой ўтмасданми, андишасиз?!), деган сўзлар эшитила бошлади. Даррав уч кишини Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларига хабар учун жўнатилди. Ё қирилиб битиш ва ё Азизбекни орадан кўтаришқа фотиҳа ўқилди. Орадани бир соат ҳам ўтмади, бутун дўконлар ёпилиб, Тошканд кўчалари чиплар билан тўлди. Барча яроғланган, урушка ҳозир эди. Шаҳарнинг олагани хабари ўрдага ҳам эшитилди. Ишни кичкина деб ўйлаган Азизбек шаҳардан аҳвол олиш учун Райимбек датқони элли чоғлиқ йигит билан бунорди. Аҳвол олғувчилар Заржирликқа етиш билан нақ ишнинг қай даражага етганини пайқадилар: кўчалар чип билан тўлган, чип орқали шашвар, милтиқ, ханжар, найза ушлаган оломон билан лиқ эди. Райимбек датқонинг “Чипларни йиғштирингиз, ўзларингиз тарқалишингиз!” деб айтган яхши сўзга қулоқ солғувчи бўлмади. Датқо данғаллик қилган эди олмондан биттаси милтиқ отиб, икки сипоҳни йиқиб ҳам қўйди. Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскар билан халқ орасида уруш бошланди. Ярим соатлик отиш, чопишдан сўнг сипоҳлар Занжирлик оломонларини қочириб, Баланд Масжид чипига етдилар. Жон аччиғига учраган Азизбек ўрдага бир мунча сипоҳ қолдириб, бутун кучини йиғштирган ҳолда Райимбек датқо кўмағига етишди. Бунинг ила сипоҳлар тагин ҳам кучайиб, оломонни Хадрага қараб суришга муваффақ бўлдилар. Хадра чипида қонли урушлар бошланди. Уттуз икки танга солиқ хавфида оломон ҳам Бешёғоч, Себзор, Кўкча даҳаларидан ўзига ҳар замон ёроғлиқ ёрдамлар олиб турмоқда эди. Бу кун кечаси Тошканд қон ичида, маҳаллаларда бўлган ҳукумат кишилари халқ томонидан ўлдирилдилар, уйларига ўт қўйилиб моллари талонга тушадир. Шаҳарнинг юраклик йигитлари Хадра чипига қараб чопадилар,

юраксиз ва кексалар гузар ва маҳаллаларга тўнкалардан гулхан солиб, “ўттуз икки танга” қайғусида оломонга музаффарият тилайдирлар. Ярим кечалар вақти оломон Хадрадан Эски мискарликка қараб сурилишга мажбур бўлди. Кутилмаган бу сурилишлар Юсуфбек ҳожини катта ташвишқа солиб қўйди. Мундан сўнг халқнинг ўзига ишониб туролмай Тошкандни ололмай қайтқан Нормухаммад қушбегига ёрдамга етиб келиш учун чопар югуртирди. Эски мискарликда икки тараф ҳам тонг отдирдилар. Эрталаб яна қонли урушлар бошланди. Аммо халқ энди ўзини анча тутиб қолган ва ҳар дақиқа тўрт тарафдан янги кучлар олиб турар эди. Шунинг учун сипоҳлар бир адим илгари босолмай қолдилар. Аммо халқ стпоҳларни босса босқундек товранар (тиришар) эди. Бу ҳолдан ниҳоятда бўғилган Райимбек датқо қилич яланглаб, сипоҳлар олдида оломонга қараб югурди. Бироқ унинг бу ғайрати ўзи учун ҳалокат билан натижаланиб, Уста Мўминжон исмлиқ бир милтиқ устасининг отқан ўқи билан кўрагиндан яраланиб йиқилди. Райимбек датқо Азизбек ҳокимиятининг тирағи эди. Унинг қатлидан сўнг сипоҳлардан руҳ тушти. Ҳатто Азизбекнинг буйруғига ҳам қулоқ солмай, тўс-тўска қочиб бошладилар. Ниҳоят Азизбек ҳам ёнидаги қирқ, элли содиқ кишилари билан қочиб, ўрдага қамалишга мажбур бўлди. Юсуфбек ҳожи бошлиқ ер ва кўкка сиғмаган музаффар халқ ўрда теварагини қуршаб тушди. Азизбек тезда берилмагани учун минглаб халқ ўрда атрофидан силжмай, ҳатто ош-сувларини ҳам шунда еб хотиржам ётиб олдилар... Уйинг куйди ўзбеклар! Ислом Каримов Президентлик муддатини беш йилга тушириб, яна ўзи 2012 йилнинг охирида ёки 2013 бошида Президентликка “сайланмоқчи”. Уйинг куйди ҳалойиқ! Диктатор Каримов қизи Гулнорнинг номидан халққа тўй бериб, уни ўзи ўлгандан кейин ўрнига Президентликка ҳозирламоқда. Уйинг куйди Ўзбекистонликлар! Сизлар учун икки йўл бор: ўзларинг каби ўғил ва қизларингни ҳам Ислом Каримов ва унинг ахлоқсиз қизига қул қилиш ёки бўлмаса эс борида, этакни йиғиб, бу золим ота ва қизни Ўзбекистондан қувиш! Изоҳ: “Утган кунлар” романидан қисқа кўчирма Ғофур Ғулом нашриётида 1992 йил босилган китобдан олинди. Ислом Каримовни Азизбекка ўхшатган:

**Тошкентлик Эркин О.**

## АЁЛ ЎЙНАТИШ МАДАНИЯТМИ?

**Ассалому алайкум ҳурматли таҳририят!**

Ўйлаб-ўйлаб бу мактубни сизга ёзишга қарор қилдим. Тўғриси айтсам бу қарорга дарров кела олмадим. Кимга юборай бу мактубни? Сиздан бошқа яна кимга юборай? Демократларнинг сайтларига юборсам ҳам бўлаверарди. Аммо улар бу мавзунини тушунмайдилар. Улар ўзлари аёл ўйнатиб маза қиладиган тоифалар. Улардан бирининг саҳифасига кириб кўнглим айнади. Ўзи ўртада ўтирибди, атрофида қизлари ярим –яланғоч... Исломий саҳифаларга берсаммикин, дедим. Аммо улар ҳам қундалиқ ҳаётдан узоқ панд-насихатлар билан машғуллар. Бундай мавзунини уларга узатсам ноқулай бўлармикин... Ким билади қандай тушунишади? Сизларга жўнатишга ҳам юрагим безиллаб турибди. Биламан, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ўрта йўлни танлаган. Сизларнинг қизу аёлларни ўйнатиб, “ором” олишларингизга ишонмасамда, аммо сизлар халқнинг овозига муҳтожсизлар. Халқнинг кўпчилиги эса қизу аёлларни ўйнатиб, ором олишни яхши кўради. Сизлар бу мактубни оммага маълум қилсангизлар бу жохил инсонлар сиздан юз ўгиришлари мумкин. Сизлар эса ўлиб-тирилиб халқни ўз орқаларингиздан эргаштирмоқчисизлар... Хуллас, мавзу қизлар ва аёлларнинг ўйнатиб, маза қилиш мавзуси. Ҳатто эркаклар ва аёлларнинг елкама елка бўлиб, рақсга тушишлари. Бу қандай маданият, бунинг нимаси маданият?! Бу манзарани Ўзбекистонда ҳар кунни кўришингиз мумкин. Шундай телевизорнинг қулоғини бурасангиз, туппа тузук кийинган ёш ёки ўрта ёшдаги ва ҳатто ёши олтимилларга бориб қолган эркак кишининг ҳиргойи қилаётганини, саҳнада эса бир нозаниннинг рақсга тушаётганини кўрасиз... Айниқса бугун халқнинг наврўз байрами! Инсонлар майдонларда тўпланиб, юзларча, мингларча киши келиб, куй-қўшиқ қилиб, ўнларча қизу аёлни ўртага солиб ўйнатади. Шу маданиятми, шу тараққиётми? Мен шахсан тупурдим бундай маданиятга ҳам, тараққиётга ҳам! Элнинг тўйини қизитадиган отарчиларни ва уларнинг раққосаларидан нафрат қиламан. Қарасанг, дуппа дуруст одам, аммо ўртага чикдими бошланади тамошо... Қўшиқ деб айтиладиган бақир-чақир, ўртада дикиллаётган нозанин... Бироздан кейин-эркак аёл ўрнидан туриб, елкама елка бўлиб, рақсга туша бошлайдилар. Бу нима деган гап? Бу “маданият”, бу “тараққиёт” қачон кириб келган бизга? Ҳар ҳолда советлар даврида бўлса керак? Мен ҳали ўттизга кирмадим.

(Давоми кейинги бетда)

## АЁЛ ҲАЙНАТИШ МАДАНИЯТМИ?

(давоми олдинги бетда)

Советларнинг даврида кўп яшамаганман, у пайтлар бола бўлганман. Лаънат бўлсин шу советларга агар халкимизга мана шу маданиятни улар армуғон қилган бўлса!!!

Нима эмиш, “Лазги” эмиш! Халқнинг энг севган кўшиги, энг севган ракси эмиш! Лазги эмас, “мазги” бу! Яъни, ақлсизлик ва жинниликдан бошқа нарса эмас бу иш! Ҳой тўхтатинглар шуни, дея бакиргим келади. Аммо машҳур ёзувчимиз айгандай қабристонда ёрдам чакириб, қилинган додвойин ким ҳам эшитар эди...

Нима халқ ўйнаб-қулмасинми, дейдиганлар албатта топилади. Ҳа, дунё энди мотамхона эмаску, элнинг ҳам шоду хуррам бўлгиси келади-да! Майли, қувонайлик, ўйнаб-қулайлик. Туйларда кураш, кўпкари, югуриш, дорбозлик ва шунга ўхшаш мусобақалар бўлсин. Аёллар ҳам узокроқ, баландроқ жойдан томоша қилсин бу курашчиларни. Айтишларича, пайғамбаримиз (сав) байрам кунлари аёлларга доира чалиб, хиргойи қилишга руҳсат берган эканлар. Агар шу гап ҳақиқат бўлса, майли улар ҳам уйнинг тўрида тўпланиб, доира чалиб, кўнгил очишсин... Аммо эркаларнинг улар орасига кириб, “Лаълихон хайда кўйингни боқаман”, дея бакиришига албатта ҳожат бўлмаса керак...

Бугун бозор иқтисодими, мазор иқтисодими, деган ажойиб даврлар бошланди. Пул бўлса, ҳамма нарсани қилса бўлади бугун. Мен эса шу инсонларга хайронман: ҳамма пулни яхши кўради, ҳеч ким пулни бировга бергиси келмайди. Пул масаласида ҳасислик қиладиган шу инсонлар, нега ор масаласида шунчалик ҳасосият кўрсатмайдилар? Эй инсон пулингни қизғанасану, қизу аёлингни нега қизғанмайсан? Нега уларнинг беғоналарнинг кўз ўнгига диққатлаб ўйнашига рози бўласан? Ҳамма бало биз эркаларда, деб ўйлайман. Ахир, шу “нозанинларни” ўйнатиб, ҳатто уларнинг ёнида улардан ўтиб, тошкентчасига айтганда “қичук” билан рақсга тушаётганлар ҳам эркак шаклидаги даёуслар эмасми? Аммо шу гапим ботиб кетди, шекилли. Нима қилай, игнани ботирмасанг, баъзиларга гап тушунтириш қийин бу замонларда...

Хуллас, шу қизу аёл ҲАЙНАТИШ “маданиятига” мен қаршиман. Истасаган демократия, сўз эркинлиги десин, истаган Исломи фундаменталисти, радикал, ана боринг террорист, десин. Мен ҳеч кимнинг бурнини қонатганим йўқ. Ҳеч кимнинг исмини айтиб ҳақорат ҳам қилаётганим йўқ. Мен қаршиман шу ишга. Инсонлар нима деса деяверсинлар...

*Ҳурмат билан фарғоналик  
Хошимжон*

## БМТНИНГ «ҒАРБОНА» ТИЗИМЛАРИ МУСУЛМОНЛАРНИ ҚАНОАТЛАНТИРМАЙДИ



Шу йилнинг февраль ойида Индонезиянинг пойтахти Жакартада БМТ инсон ҳуқуқлари исломий тарздаги кенгашининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

Бундай Кенгаш тузиш қарори Исломи Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) ташқи Ишлар Вазирларининг 2011 йил июнь ойидаги йиғилишида олинган эди.

Бу учрашувда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи доимий мустақил гуруҳ (комиссия) (ИХҚҚДГ) деб аталган бу янги ташкилотнинг низоми ҳам қабул қилинди. Ушбу Низомнинг 12 моддасига кўра ИХҚҚДГ нинг қарорлари ИХТ давлатлари учун тавсия моҳиятига эгадир.

ИХҚҚДГнинг биринчи мажлисида ИХТ га аъзо бўлган 18 давлат вакиллари, мустақил мутахассислар ва кузатувчилар қатнашдилар. 6 вакил Араб Давлатларини, 6 вакил Осиё ва яна 6 вакил Африка қитъасини тамсил қилди.

Янги ташкилот аъзоларининг чорак қисми Индонезия, Малайзия, Афғонистон ва Судандан келган аёллар эканлиги қизиқиш уйғотди. ИХҚҚДГнинг биринчи мажлисида ИХТнинг Бош Котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли раислик қилди. Янги ташкилот Индонезиялик аёл вакил Сити Рухайни Жуҳаятинни икки йиллик муддатга ўзининг раҳбари қилиб тайинлади.

Ушбу гуруҳ Раисининг журналистларга айтишича, янги ташкилот ташкилий масалаларга ургу берган.

Шу билан бирга қатнашувчилар Фаластиндаги (янги ташкилот Фаластин -Исроил тўқнашувини ИХҚҚДГнинг доимий кун тартибида тутишга қарор қилган), Суриядаги аҳволни ва яқинда Афғонистонда содир бўлган Қуръони Карим нусхаларини ёқиш масалаларини ҳам музокара қилганлар. Ушбу ташкилотнинг иккинчи йиғилиши шу йилнинг июнь ойида Станбулда ўтказилади.

ИХТ да БМТ каби катта таъсир кучига эга бўлган халқаро ташкилотнинг исломий тарздаги бир гуруҳининг тузилиши Исломи оламнинг мусулмон бўлмаган дунё билан (мажбурий руҳда

бўлса) ўзаро яхши ҳамкорликка интилишини кўрсатади. Ушбу маънода Исломи умматининг Исломига ҳам, ғарбнинг замонавий демократик қадриятларига ҳам мос келадиган ахлоқ қоидаларининг ўзига хос усулларини ишлаб чиқиши зарурийдир.

Айтиш кераки, ҳозирги даврда турли маданиятлар (шу жумладан диний қарашлар ва тараққиётлар ҳам – таржимон изох) ғарбнинг мафкуравий ва иқтисодий ҳуқуқларини доирасида тараққиёт қилишга мажбурдирлар.

Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам янги тизимлар ўзларига хос таҳлил ва ўз тараққиёт йўлларини аниқлаб олмаган бўлишлари мумкин. Бунинг устига ҳали уларнинг мустақил тизимлари ҳам оёққа тура олгани йўқ.

Ҳали Ғарб дунёси кучнинг асосий маркази экан ва янги тузилаётган халқаро ташкилотлар мўрт тизим ва бошқарувга эга экан, улар бир пайтнинг ўзидики мувофиқлик ва икки тушунчанинг, яъни ғарб демократияси ва ўзларининг йўлларида юришга мажбурдирлар. Бундай шароитда янги халқаро ташкилотлар ҳозирда мавжуд бўлган халқаро (аслида ғарбона), ва биринчи навбатда БМТ ташкилотларининг нусхаси шаклида ўртага чиқмоқда. ИХТ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи доимий мустақил гуруҳининг ва АСЕАНнинг инсон ҳуқуқлари ҳукуматларора гуруҳининг ўртага чиқиши бунга икки ўрнақдир..

Ҳозирча ғарб жамаияти етарли даражада ўз кучига ва мустақамлигига эга экан, ғарбона бўлмаган маданиятлар (шу жумладан диний қараш ва тараққиёт шакллари ҳам) ғарбнинг ижтимоий сиёсий йулидан юришга мажбурлар. Масалан, ИХҚҚДГнинг мутахассисларидан Иброҳим Саломнинг айтишича, улар тузган янги ташкилотнинг ғояларидан бири исломий қадриятларнинг умуминсоний қадриятларга мослигини исботлашдан иборат бўлади. Саломнинг айтишича ушбу янги ташкилотни турли исломий давлатлардаги аҳволнинг демократик жамаият қарашларига мослигини тадқиқ қиладиган марказга ўхшатиш ҳам мумкин. Шу билан бирга шарқ (Исломи дунёси- таржимон изох) аста секинлик билан ўзининг мутақиллигини ва қудратини таниб бормоқда. Шунинг учун ҳозирги аънавий халқаро тизимлар Исломи давлатларининг талаблари ва иддоаларини қаноатлантира олмайди.

Оксана Андреевна Коткина,  
шарқшунос талаба.

**Таржимон:**  
**Абдураҳмон Муҳаммад.**

## КЎКНОРИГА КЎНГЛИ КЕТГАН МИЛИЦИОНЕР



Анчадан бери МХХ ходимлари биз каби зулмга қарши имкон қадар курашаётганларни безовта қилаётганлари йўқ. Аввалига ўйладим-ки, ҳар лаҳзада кузатувга тушиб қоладиган биз каби тўғрилиқ изловчилар ўта эҳтиёткорлик билан ишлаётгандирмиз-ки, улар назаридан ўзимизни четда олиб қолаолмаимиз.

Анчагина вақт ўтди. Золимга қарши хиёл қалтисроқ ҳаракатлар қилишга тўғри келди. Очиғи буни улар сезмай қолиш эҳтимоли кам эди. Бироз чўчиб “совчилар”ни анчагача кутдим. Улардан дарак бўлмади. Нега бундай бўлаётганидан яна хайрон бўлдим. Яна ўйладим-ки биз шохида юрсак МХХ ходимлари баргида юради, улар арқонни бу сафар анча узоқ ташлаб қўйишган деб.

Вақт ўтди яна тинчман. Ростдан тинч эканимни билиш учун, турли маҳаллий минбарлардан эксперимент тариқасида илгариларига нисбатан юртдаги ноҳақликлар ҳақида очикроқ ва кескинроқ сўзладим. “Афсус”... Яна тинчман...

Зерикканимдан сиқилиб кетдим. Нега-ки аваллари анча илимилиқ гапни суваб андавалаб сўзлаган нутқларим учун дарров қуда тарафдан ё ташриф бўларди, ё фарзандларим орқали “маданиятли” қилиб нозик таъсир сездиришлар билдириларди. Ва албатта шундан кейин анчагача “қадамимни ўйлаб босардим”.

Бошқа муҳолиф фикрли кишиларимиз ҳам негадур анчадан бери тинч эканликларини айтиб қолишди. Бу ахволотлар мени хайрон қолдирди. Нахот-ки МХХ ходимларининг кўзи очилган бўлса. Нахот-ки ҳақ ноҳақ қаерда эканини ажратиб олган бўлсалар. Агар шу ўйлаганларим рост бўлиб чиқса, демак улар муҳолифатни йўқ қилиб, тўғри сўз кишиларни таъкиб қилиб, қувғинга

солиб, қамаб, ўлдириб оқибат нимага эришганликларини англаб қолган бўладилар-ку. Демак шулар рост бўлса улар нафақат миллат балки ўз келажаклари зурриётларининг ўқ илдизига болта уриб бўлганларини энди билиб қолган бўладилар-ку. Диёнат томизғиси қолган бўлади-ю. Илоҳим бўларни кўзи очилгани рост бўлсин.

Шулар ҳақида ўйларканман Совет давридаги бир воқеа ёдимга тушди.

Дадамиз (ўз дадамни назарда тутяпман. Чунки дада деганда ҳозир аксарият миллатимиз оналарини умуман кўрмаган танимаган ИАКни назарда тутишди) туркона хонаки дори сифатида уйда озгина ерга шудгор қилиб кўкнори экиб ўстирар эдилар. Кунларнинг бирида кўчадан ўтиб кетаётган участка инспектори капитан очик турган дарвозадан ховлимизда чамандек очилиб гуллаб турган кўкнориларга кўзи тушади. Ва албатта дадамга ховлимизда ўсиб очилиб турганган ўсимлик наркотик модда эканини, уни атайлаб ўстириб парваришлаган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилишини тушунтириб, кўкнориларни юлиб ташлашларини талаб қилади. Уша даврларда фронт ветеранлари ва республика миқёсидаги зиёлилар “аллада азиз, тўрвада майиз”дек эъзозланарди. Жазога тортиш у ёқда турсин мана ман деган валломатлар ҳам дадам каби одамларнинг юзига тик қарай олишмасди.

Дадам капитанни бу гапига пинак қокмай, кўкнорини шифобахш хусусиятлари ҳақида сўзлайдилар. Капитан ўйланиб қолиб сўнгра, кўкнорини алоҳида шудгор қилиб экмай, уни камайтириб ховлининг у ер бу ерларига унча-мунча маданий кўчатлар экилган ерларни ораларига кўринмайдиган қилиб экиб, биров сўраса ўзи униб чиққан деб айтишларини ўргатди. Дадам капитан яхши тушунмади деб кўкнорини ўта фойдалигини роса тушунтирадилар. Хусусан ичбуруғи, уйқусизлик. Эмизкли аёлларни кўкрагига сут келмаслиги, мастит ва турли шамоллаш хасталиқларига кўкноридан ўтадиган шифобахш дори йўқ эканини тушунтириб, маҳалламиздагилар, қориндош уруғлар тарафидан бу дорига талаб катта эканини айтиб, махсулотни қисқартира олмасликларини айтадилар. Ана шунда капитан кайсидир қориндошини қаеридир ери оғришини айтиб дадамдан кўкнорини фойдаси борми

йўқлигини сўрайди. Дадам индамай кўкноридан қилинган дорини олиб чиқиб қандай ичилишини ўргатадилар. Ўшандан бошлаб капитаннинг оиласидами яқинлариданми бирор киши хасталиқдан шифо топмаётган бўлишса, у дархол бизникига зинғиллаб қоладиган бўб қолганди. Баъзида кўкнори озроқ қолиб уруғликка асраб қўйганлари учун капитанга кўкнори бермасалар у аразлаб “шуни кўпроқ эксангиз бўлмасмиди домла. Энди бошлиғимни ичбуруғини қандай тўхтатамиз” деб нолиб қўярди.

Ўйлайманки МХХ ходимлари бу воқеа қиссадан хисса чиқариб оларлар.

Оддий ҳаёт қонуни бор. Агар-ки муҳолифат юртдаги иллатлар нуқсонлар ҳақида сўзлар экан бу қони фойда. Тундрада бўрилар буғи подасини қувиб қочолмай касалмандларини тутиб еб, профилактика вазифасини ўташади. Агар-ки бўриларни отиб қуритсалар, касаллик бутун тўдага юкиб пода қириб кетиши ҳеч гапмас. Яхшими-ёмонми ҳар бир мамлакатни ўз турмуш тарзи бор. Шу боис инсониятдан ёмон томонларини яшириб, фақат яхши томонларини кўз-кўзлаб ўз ҳаётимизни ҳар-хил безак бўёқлар билан жимжимадор қилиб уни бир-бирига мос келмайдиган матоҳлар билан ямаб-ясқаб ўтириш кечириб бўлмайдиган ҳолдир. Ахир ҳар бир халқ ўз ҳаётини бошқа мамлакатларда рўй берган кўтарилиш, тараққиёт билан таққослаб кўради ва таназзул сабабларини кидиради. Агар таназзул сабабларини тўғри топса, энди ўша хатоларни такрорламасликка интилади, тўғри йўлга тушишга ҳаракат қилади. Давлат раҳбарининг хаддан ташқари шафқатсизлиги, бераҳм адолатсизлигидан жафо кўрган халқнинг аксарияти уни қарғаб-қарғаб йиғлайди. Бу қарғишлар охир-оқибат унинг учун ҳозирги ҳосиятсиз баландликдан ажал қомига учиб кетишини, унинг аянчли чинқириғини эшитган инсон ҳам, йиртқич хайвон ҳам кўрқувдан даҳшатга тушини кўз олдларига келтирсинлар. Афсуски, ниҳоятда кечикиб айтилайдиган истиғфордан, аччиқ товба тазаррудан ҳеч қандай фойда бўлмаслигини МХХ ходимлари ҳам яна бир қарра билиб ўйлаб қўришсин.

## ДЖИН ШАРП: ‘ЗЎРАВОНЛИКСИЗ ИНҚИЛОБ АЛИФБОСИ’


*Жин Шарп Че Гевара эмас, аммо у ўз замондошлари орасида энг кучли сиёсий таъсирга эга бир шахсдир Шарқий Бостондаги эскигина уй... Хонада кекса бир киши, ҳаммаёқ аллақандай академик китобу қўлланмалар, рисоалар билан тўлган ва шу ўртада Салли лақабли ит чўзилиб ётибди.*

### Бу Доктор Жин Шарп.

Кўпчилик унинг Миср ҳукумати ағдалишида бекиёс хизматлари бор деб ҳисоблайди. Жин Шарп зўравонликларсиз ва ё қонсиз инқилоблар бўйича дунёнинг энг машҳур билимдони саналади. Унинг асарлари ўттиздан ортиқ тилга таржима қилинган. Китоблари эса яширин йўллар билан энг мустаҳкам чегаралару энг хушёр хавфсизлик хизмати ходимларининг назаридан “омон” қолиб ўқувчилари қўлига етказилган...

### ИНҚИЛОБ ЙЎЛИДА АСОСИЙ ҚАДАМЛАР

*“\*Аввалига озодликка эришиш учун стратегия ишлаб чиқинг, қандай жамиятда яшашни исташингизни тасаввур қилинг*  
*\*Қўрқувни кичик норозилик амаллари билан енгинг*  
*\*Норозилик изҳор этишда рамзлар ва ранглардан фойдаланинг*  
*\*Тинч ҳаракатлар тарихини ўрганинг*  
*\*Тинч “қуролларни” ишга солинг*  
*\*Диктаторликни дастакловчи, қўллаб қувватловчи омилларни топинг ва уларни заифлаштириш йўлларини ўрганинг*  
*\*Режимнинг шафқатсиз ва золимона амалларидан ўз ҳаракатингиз сафини кенгайтиришда фойдаланинг*  
*\*Зўравонлик ишлатадиган ва ё зўравонликни тарғиб қиладиган одамларни ажратиб қўйинг ва ҳаракатингиздан чиқаринг”*  
 Жин Шарпнинг китоблари жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида пинҳона ўқилади  
 Сербиянинг Слободан Милошевичи ва Украинанинг Виктор Януковичи Шарқий Оврўпода рангли инқилобларнинг қурбонлари бўлишар экан, ҳар икки мамлакатдаги демократик ҳаракатлар Шарпнинг хизматларини эътироф этишди.  
 Шунда ҳам Доктор Жин Шарп кенг жамоатчилик назаридан четда қолди. Аммо бу муваффақиятлар ва Нобел мукофотига номзодлиги кўрсатилишига қарамастан, Жин Шарп оғир молиявий вазиятда яшар эди. Бу ҳам етмагандай уни Марказий Жосуслик Агентлигининг айғоқчиси деб айбладилар.  
 Алберт Эйнштейн институти эса унинг уйда фаолият қилар, ўзига ишонган ҳамда Доктор Шарпга садоқатли Жамила Ракиб томонидан бошқарилар эди.



2009 йилда мен Шарпнинг асарлари тўрт китъадаги эврилишларга қандай таъсир қилгани ҳақида хужжатли филм олишни бошладим. Таҳрир майдонида намойишчилар билан тунни кунга улар эканман, улар шундоққина танклар остида, фонуслар ёруғида Шарпнинг китобини ўқишарди.  
 Жин Шарп Че Гевара эмас, аммо у ўз замондошлари орасида энг кучли сиёсий таъсирга эга бир шахсдир. Шарпнинг шоҳ фикри шундан иборатки, диктаторларнинг қудрати улар идора этаётган одамларнинг ихтиёрий бўйсунушига асосланади. Одамлар норозиликларини изҳор этиш ва “тутиб туриш” техникасини ўрганишар экан, ҳар қандай режимга дарз етади.  
 Унинг ёзганлари дунё бўйлаб миллионлаб одамларни қонсиз инқилоблар билан озодликка эришишлари учун хизмат қилди.

### Озодлик алифбоси

Шарпнинг китобида 198 та “тинч қуроллар” рўйхати келтирилади. Улар орасида ранглардан тортиб, бойкот қилиш ва ёлғон дафн маросимлари ҳам бор.  
 ” Тинч қуроллар ва ё зўравонликсиз қуроллар жуда муҳимдир, чунки улар одамларга муқобил йўлни кўрсатади. Агар одамларнинг “тинч қуроллари” бўлмаса, улар ўз қудратларини кўра билмайдилар. Яна зўравонликка қўл уришади, “деб ёзади Шарп.  
 Аввалига озодликка эришиш учун стратегия ишлаб чиқинг, қандай жамиятда яшашни исташингизни тасаввур қилинг, қўрқувни кичик норозилик амаллари билан енгинг  
 Жин Шарп Эрондаги Яшил исёндан кейин аксарият намойишчилар маҳкамаларда Шарпнинг 198 йўлидан 100дан орти-ғини ишлатишда айбандилар  
 Унинг энг кўп таржима қилинган “Диктатурадан Демократияга” деб аталган китоби Бирма демократик ҳаракати учун 1993 йилда ёзилган. Аммо Шарп Бирма ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмас эди.  
 Айнан ана шу “билмаслиги” Шарпнинг бу асарини барча мамлакатларга “хос” қилиб қўйди.  
 Диний, маданий ва жуғрофий чегаралар билмаган бу китоб осонгина таржима бўлади. Бу китоб оловга айланди. Бирмада, Тайланд ва Индонезияда китоб ҳарбий

диктаторларга қарши ишлатилди. Милошевич ағдарилди.  
 Шарқий Оврўподан тортиб Якин Шарққача бу “машъала” нур тарата бошлади.  
 Россияга етиб келганида эса жосуслик хизмати нашриётга бостириб кирди. Нашриётга номаълум бир вазиятда “ўт” кетди.  
 Эронликлар шунчалар хавотирга тушишдики, улар давлат телевизионида тарғибот филмини кўрсатишди.  
 Бунда Жин Шарп Оқ Уйда ўтириб Эронни “қулатиш” билан шуғулланаётгани кўрсатилди.  
 Президент Хюго Чавез эса Шарпни Венесуэланинг миллий хавфсизлигига таҳдид деб эълон қилди.

### Араб тилидаги таржималар

Мен Таҳрир майдонида етиб келганимда Шарп китоблари билан норозилик амалларида саводини чиқарганларнинг аксарияти хибсга олинганди.  
 Қолганлар қузатув остида ва бу одамлар билан учрашган журналистлар ҳам бир неча соат махфий полиция томонидан тутиб туриларди.  
 Мен етиб келганим билан камерамни мусодара этишди.  
 Ташкилотчилар ёнига етиб келганимда улардан бири Шарп ҳақида суҳбатни видеога олинишига қарши эканини айтди.  
 У Американинг таъсири сезилиб қоладиган бўлса, бу ҳаракатга ҳам салбий таъсир этиши мумкин деган истиҳолада эди.  
 Аммо ташкилотчи Шарпнинг асаридан фойдаланганликларини эътироф этди.  
 ” Шарпнинг гоъларидан бири режимни дастакловчи омиллар ҳақида эди ва биз армия билан муносабатларни яхшилашга, Муборакнинг энг йирик қудрат манбаидан ажратиб қўямиз деб ўйладик. Шунда Муборакни тезроқ мавҳ этиш мумкин бўлур эди, “ дейди бу ташкилотчи.  
 Мен ўша тунни Таҳрир майдонининг бир бурчагида мизғиб олишга тадорик кўра бошладим. Айрим норозилик намойиши фаоллари хузуримга келиб, ҳарбийлардан телефон текстлар олишгани ва унда “биз сизга қарата ўт очмаймиз” деган хабарлар борлигини айтишди.  
 Улар ҳарбийлар биз билан дейишарди. Намойишчилардан бири Маҳмуд 198 усул ҳақидаги Шарп асарининг фотокопия қилинган нусхаларини олганини ва бу усулларнинг қанчаси норозиликда қўлланганини айтарди.  
 Аммо Маҳмуд аслида бу гоълар муаллифи ким эканини ва ё Жин Шарп номини ҳеч қачон эшитмаган эди. Мен қўлингиздаги бу китобча муаллифи америкалик академик деганимда у жиддий эътироз билдирди. “Йўқ, бу Миср инқилоби, бизга америкаликлар нима қилишни ўргатишаётгани йўқ,” деб жавоб берди.  
 Ва албатта Доктор Жин Шарп худди шу жавобни истаган бўларди...

*(Давоми. Боши ўтган сонларда)***ГУЛНОР (РОМАН)**

Гулнорнинг қариндошлари ундан умидини узгандилар. Бир ҳафтадан бери уни изламаган жойи қолмаганди. Қўшни қишлоқ, шаҳарлардаги таниш-билишлардан, Тошкентдаги дўстларидан, ҳаммасидан сўралди, аммо ундан ҳеч хабар чиқмади, гўё ер ёрилиб, ичига тушиб кетгандай эди. Қорлиғашев ҳам Гулнорнинг ғойиб бўлганини эшитиб, уни Қирғизистонга ўтиб, чет элга кетган деб ўйлади. Аммо Қирғизистон ва Туркиядаги одамларидан Гулнорнинг у ерларга пайдо бўлмаганини пайдо бўлмаганини ўрганди. Саққизинчи кун қариндошлари Гулнорни кўришди. Авваллари доим ўтирадиган ерида, дарахтнинг остида, ботаётган қуёшни томоша қилиб ўтирарди. “Қаерда эдинг?” деб сўрашди қариндошлар. Гулнор ҳазиллашгандай: –Юлдузларда, – деди. Аслида қаерда бўлганини унинг узи ҳам билмасди. Бу кўрганларини туш деб ўйламокчи эди, аммо ўзининг бир ҳафта ғойиб бўлганини эшитиб, ақли шошди. Бунга ақл бовар қилмасди. Ўқиғанлари, ўйланганлари ва Ўғуздан узокда яшаши натижасида бир теран ҳаёл ичида узун муддат қолиб кетган бўлиши мумкин эди, аммо ўзи қаерда эди? Қариндошлари ҳар ерни тит-пит ахтаришиб, нега уни бир ҳафтагача топиша олмади? Гулнор бутун кеча “тушми, ҳақиқатми” саволга жавоб беришга уринди, лекин жавоб беролмади. Ухлади. Тушида Ўғуз билан қўл ушлашиб ўрмонда чопишарди. Олдига тўсик чиқса, Гулнор бирдан хаволанди, Ўғузни ҳам қўлидан тортиб ҳавога олиб чиқарди. Сувлари тип-тиник, баррок ирмокнинг бошига келдилар. Сув тубидаги оппоқ кум устида қизил балиқлар ўйнашарди. Гулнор улардан биттасини тутиб, юзига яқинлаштирди. Балиқ “сен сузмайсанми?”, деб Гулнорга кулимсиради ва сирғалиб, сувга тушди. Ўғуз билан Гулнор ечинишди. Сувдан ҳам баррок вужудларини ирмокка ташладилар. Балиқлар каби сувнинг тубида суздилар, улар билан гаплашдилар. Гулнор уйғониб, сочларини ушлади, уларнинг қуруқлигини кўриб, кафиятини тушди. Соат ўн бўлганди. Ўрнидан туриб, чамадонни ҳозирлай бошлади. Нонуштада қариндошларига ортиқча ҳеч нарса айтмади. Тошкентга борадиган илк автобусга минди. Ўзбекистоннинг бу минтақаси жаннат каби эди. Йўлнинг ўнг ва сўлида кўкка узанган дарахтлар

яшиллиги кўзни қувонтирарди. Аммо Фарғонадан узоклашган сари тупроқ қуруқлашиб борарди. Гулнор ўз хаёлларига чўмганди. Хатто автобусда кетаётганини ҳам унутганди. Отакомнинг айтган гаплари сўзма-сўз ёдида қолганди. “Оталаримиз Тейирканда янгидан кўпайиб, яшай бошлагандилар. Гоҳ нур, гоҳ жисм бўлиб умр кечиргандилар. “Кўзча” деган сеҳрли восита махфий сақланди, отадан ўғилга мерос қолди, менга етиб келди. Ҳозир уни ҳаммангиз кўрдингиз. Унда сиз кўрган сайёранинг оти Йиркан, унда Она ўғиллари яшайди. Улар бизнинг қариндошларимиз. Бизда юқумли касаллик йўқ, аммо Буюк отамизнинг руҳи менинг ичимда, у менга нур қизни Йирканга жўнатишимни буюрмоқда”, деганди Отаком. Сеҳрли “кўзча”да кўрган ўбода бир туман отлиқни хотирлади Гулнор. Олд сафда кетаётган биттасига ишора қилиб “мана шу йигит сенинг қисматинг”, деганди Отаком. Ғойиб бўлгани бир ҳафта ичида Гулнор бу воқеаларни яшаган бўлиши керак эди. Аммо бугунга қадар ўрганган физик ва табиий илмларга кўра бу воқеаларнинг бўлиши мумкин эмасди... Йўл бўйича бу ғаройиб ҳодисани таҳлил қилди. Аммо шу кўриб турган ҳаёт билан бу ҳодиса ўртасида ҳеч мантқиқ ипи боғлай олмади. Гулнор ўз ахволини ҳеч кимга айтмади. Буни фақат Ўғузга айтиши мумкин эди. Ёки Анвар Мурод Тошкентда бўлсайди, унга айта оларди бу ғаройиб ҳодиса ҳақида. Гулнор кўнглидагиларни тўкиб солиши мумкин бўлган иккита одам бор эди, уларнинг икколари ҳам Туркияда бўлиши тақдирнинг жиљваси эмасмиди? Агар Гулнорнинг тақдирини у билан ўйин ўйнаётган бўлса, бу ўйин замон-макон оша қилинган бир ҳафталик ғаройиб “саёҳат” эди. Гулнор “тақдир” тушунчасига унча жиддий қарамасди, лекин сўнгги ҳодисалар уни тинимсиз тақдир категорияси томон йўналтирмоқда эди. Уйга келиб, йўл хорғинлигини чиқариш учун ётоғига узанган эди, эшик кўнғироғи чалинди. Остонада қўшниси турарди. Қўлидаги визит картни узатиб: –Шу ерда оти ёзилган одам сизни кутаётган экан, – деди. Гулнор картга боқди. Лаънати Рашид Қорлиғашев ҳали ҳам уни кўйиб юбормоқчи эмасди. Эрталаб Қорлиғашевнинг ёнига борди. –Айтингчи, ўртоқ Кунбоева, бир

ҳафта қаерга ғойиб бўлдингиз?, – деди Қорлиғашев. Бошидан кечирганларини ўзига ҳам тушунтиролмаган Гулнор буни Қорлиғашевга қандай тушунтиради? –Сизга бутун умримнинг ҳисобини беришим керакми?, – деди Гулнор. –Биласиз, Гулнор, бизнинг Тошкент одамни осонликча кўйиб юбормайди. Агар сендан бир жавоб истасалар, бу жавобни мутлақо олишлари керак. –Мен ўлкамга, давлатимга қарши ҳеч нарса қилганим йўқ, ўртоқ Қорлиғашев. Агар бундай нарса қилган бўлсам, буни исботлашингиз лозим... –Қаерда бўлганингизни айтинг, токи сизга бўлган шубҳаларимиз тарқалсин, – деди Қорлиғашев. Гулнор ақлига келган жавобни айтиб юбораверди: –Биласиз, ўртоқ Қорлиғашев, Фарғонанинг боғли-боғчали ерлари бор. У ерларда ёмон кўздан йироқ сокин гўшалар мавжуд. Очик айтсам, сизнинг сўроқларингиз мега исқанжа каби азоб бераётганди. Ўша ерларда яшириндим, дам олдим. Бир ҳафта ичида ўзимга келаман, деб ўйлагандим. Кўриб турибман, янглишган эканман. Мана, Тошкентга келган заҳотим ўша бир ҳафтанинг ҳисобини сўраяписиз... –Ўртоқ Кунбоева, ҳозирча сизга ишонаман. Фақат шуни билинг-ки, кўзларимиз сизда доим. Сиздан информация кутамиз. Нима ҳақда эканлигини сиз яхши биласиз. Информация беринг, акс ҳолда бу бир ҳафтанинг ҳисобини беришга мажбур бўласиз. Қорлиғашевнинг синалган услуби шантаж эди. Гулнор кутилмаганда: –Бўпти, ўртоқ Қорлиғашев, сиз хоҳлаган информацияни топишга ҳаракат қиламан, – деди. Унинг шундай дейишдан бошқа чораси йўқ эди. Гулнор теграсидаги чамбар кун сайин торайиб, таҳлика қучая бошлаганини ҳис этаётганди. Ўзбекистонда яшаш қийинлашганди унинг учун. Ёки Рашид Қорлиғашев истаган информацияни топиб, унга бериш керак ёки мамлакатдан чиқиб кетиши керак. Акс ҳолда, уни ҳам ҳибсга олишлари тайин эди. Умрининг қолгани махв бўлиши ҳеч гап эмасди. Бу вазият Гулнорнинг руҳини тетиклаштирди. Ҳар ҳолда, энди “бу тушми ё ҳақиқатми?” деб узундан-узок ўйлаган ғаройиб саёҳатидан бошқа нарсалар уни безовта қила бошлаганди. \*\*\* Ўғуз, Ойдин ва Али Моҳир ўн беш кун Орландода бўлиб “Диснейворлд”ни яхшигина ўргандилар.

*(Давоми кейинги бетда)*

## ГУЛНОР (РОМАН)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Кейин учоқда Лос-Анжелесга келиб, ўн кун у ерда қолишди. Кейин Нью-Йоркка қайтишди. У ерда уч кун айландилар. Люкс отелда кўноқладилар. Биринчи кун Манхаттен атрофида айланадиган туристик кемага минишди. Нью-Йорк бир орол устида қурилган шаҳар эди. Уни кемадан кўриш шаҳарнинг ўрта ва четки қисмларини томоша қилиш имконини берарди. Кемадан тушганларида эрта эди. Шаҳарни айланишга вақт бордай туюлганди. Аммо Нью-Йоркнинг Истанбулдан фарқи йўқ эди. Йўллар ғиж-ғиж машина тўлган, ҳаракат қилиш қийин эди. Бу ерда ҳам Истанбулдаги каби светофорга одамлар унча роия қилмас, тижорий камёнлар истаган жойида тўхтаб, трафик (машиналар ҳаракати)ни занжирбанд қиларди. –Бу ер худди аввалги кезган жойларимиздан бошқа мамлакатга ўхшайди, – Ўғуз. Али Моҳир: –Ойдон Нью-Йорк сафарини охирига қўйганининг сабаби бу экан, Ўғуз, – деди. Ойдон: –Агар сизга аввал Нью-Йоркни кўрсатсайдим, Америка ҳақида янглиш тасаввурда қолган бўлардингиз. Нью-Йорк ҳам Америка, аммо ҳақкий Америка унинг ташқарисида, – деди. Баъзи китобларда ёзилишича, Нью-Йоркда яшаган одамлар ҳам Американинг бошқа бўлимларидагилардан фаркли эмиш, – деди Ўғуз. –Нью-Йоркда ишлаган одамлар бу ерда яшашмайди. Улар Нью-Жерсида ёки Пенсилванияда яшашади. Нью-Йорк космополит шаҳардир. “Эмпайр Стейт Билдинг” ва “Эгизак”ларга чиқиш учун жуда кўп одам навбатда туришар эди. Бу бинолар юксаклигидан қараганда кўринадиган манзара муҳташам эди. Манхаттени ўраган денгиз йўли, юксак ва узун кўприклар, осмонўпар бинолар инсон қўли яратган мўъжизалар эди. Балки, инсоният ўз тарихида илк бор шунчалик ҳашаматли манзара яратганди. Намруднинг, Фиръавлларнинг тангрига етишиш орзулари гўё бу шаҳарда моддийлашган эди. Ўғузнинг ўйлаганларини Али Моҳир кинокамерага олаётгандай эди. Ўғуз мияси билан ўйларди, Али Моҳир эса камераси билан. У Озодлик ҳайкалини суратга оларкан, бутун Американи камерасига жойлаштираётгандай ҳаракат қиларди. –Али Моҳир ҳақиқий санъат ошиғи, – деди Ойдон Ори, – унда менинг

меъморлик эҳтиросимдан каттароқ эҳтирос бор. Эртаси кун Central Park ва Коламбия университетини кездилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти рўпарасида жойлашган “Турк-америка жамиятлари Федерацияси”га зиёрат қилишди. У ерда Маҳмат Эрийгитнинг укаси Мустафо бей билан танишиш ҳаммасига, айниқса, Ўғузга сюрприз бўлганди. Учунчи кун Метрополитен Музейини томоша қилдилар. Ҳаммасини кўриш учун бир кун озлик қилди. Музейда кинокамерада суратга олиш таъқиқланганди. Ойдон: –Эрталабдан бери сенда бир етишмовчилик ҳис этаётгандим, нима экан десам, сенинг камеранг йўқ экан, Али, – деди қулиб. –Тўғри, Али Моҳирни камерасиз тасаввур қилиш қийин. Сен ўзингни қандай ҳис қилаяпсан, Али? – деди Ўғуз. –Ўзимни худди яланғоч юргандай ҳис қилаяпман, оғайни, – деди Али, дўстларим, камера менинг қўлим ва кўзим. Атрофдаги нарсаларга камера билан тегиб, камера билан қарайман. Али Моҳирнинг “яланғоч” холини Ойдон кўз олдига келтирди ва ўзича табассум қилди. Ёшлар музей салонларида ўтириб дам оладиган скамейкалар бўлишига қарамай, ҳеч ўтиришмади. Чарчаб, холдан тойгунча музейни айланишди. Али Моҳир Ойдоннинг суратга олаётган ҳайкалларига қараб, Ойдоннинг ўзи бу ҳайкаллардан гўзалроқ эканини ўйлади, аммо бу фикрни ўзига айтмади. Эртаси кун тонгда учоққа етишишлари керак эди. Музейдан қайтиб, Али Моҳир эртароқ ухлайман деб ўйлаганди. Аммо ўхлай олмади. Ойдон кўзлари олдида кетмасди. Орландаги бир отелнинг ховузида чўмилаётган Ойдон. Узун, бичили оёқлари, нозик бели, сутдай оқ бадани, қайрилган киприклари ва сочларидаги порлаётган сув томчилари. Хаёлида Али Моҳирга қўлини узатганди Ойдон ва бирга ховузга ташлаганди ўзларини. Аммо кирғоқда иккинчи Али Моҳир турарди. У ховуздаги жуфтни кинокамераси билан суратга ола бошлаганди. Ойдон: –Бас қил, Али, бу ҳолда кўринмок истамайман, – деди. –Илтмос, Ойдон изн бер, яна бир оз суратга олай. Ҳеч бир музейда сенинг каби мукамал ҳайкал йўқ, – дерди Али Моҳир. Ховуздаги ва ховуз четидаги Али Моҳирлар бир-бири билан суҳбатлашарди.

Ойдон ховуздагининг қўлидан сирғалиб қочди, аммо ховуз четидаги Али уни камерасига солиб улгурганди. Камера ичида чирпинаётган бир денгиз кизи эди. Эшик тақиллаганда Ойдон ҳали ҳам ховузда сузаётганди: –Али, бугун учоққа чиқишимиз кераклигини унутдинг, шекилли? – деди Ойдон. Унинг овози ховуздан келдими, эшик орқасиданми, Али Моҳир буни англай олмади. У ётоқдан тез турди. Ўғуз учоқда иллюминатор тарафда ўтирди. “Турк ҳаво йўллари” учоғи булутлар орасида оқчарлоқ каби сузар эди. Ўғуз кўзини юмди. Оқ булутлар узра гўзал бир қиз булутлар билан мусобақа қиларди. Устида келинлик либосига ўхшаган оппоқ кийим бор эди. Сочлари шамолда иккига айрилиб, шувилларди, либоси иккига айрилиб, қанотларга ўхшарди. Вужуди ва қўллари булутлардай оқ эди. Оёқлари юз метрга югурадиган спортчиларникидай мустаҳкам эди. Ўгирилиб Ўғузга боқди. “Мен билан пойга қиласанми?”, деди ва тез учиб, кўздан ғойиб бўлди. Ўғуз: –Йўқ, сен билан пойга қилолмайман, – деди. –Ким билан пойга қилаяпсан, Ўғуз? – деди ёнида ўтирган Ойдон Ўғузнинг қўлини тутиб. –Бир оз мудрабман, Ойдон, кечир, – деди Ўғуз. –Программамиз юкли бўлди, ҳаммамиз бир оз чарчадик, шекилли. Энди Салим Бойжонга ёзадиган рапортларимизни яхшилаб ўйлашимиз керак, – деди Ойдон. –Биласан, саёҳатимиз давомида тушунчаларимни ёзиб бордим. Уларни уч кун ичида рапорт ҳолига келтиришим мумкин, – деди Ўғуз. Ўғуз баданида енгил титроқ ҳис қилди. Ойдон қўлини ҳали ҳам Ўғузнинг қўлидан олмаганди. Ойдон Али Моҳирга дўниб: –Алининг рапорти камерасида тайёр, шундайми?, – деди. Али Моҳирнинг кўзи ҳали ҳам Ўғузнинг қўли устида ётган Ойдоннинг қўлига тушди. Ичида рашк кўзғолди. –Йўқ, Ойдон, – деди Али, – суратга олинганларни монтаж қилмасдан туриб Салимбейга кўрсатолмайман. –Тўғри, ҳар касбнинг ўз хусусияти бор, биз филм суратга олиндим, тамома деб ўйлаймиз, – деди Ойдон ва қўлини Ўғузнинг қўлидан олди, – хўп, болалар, энди озгина ухлаб олсак ёмон бўлмайди. Бир оздан ҳар ким ўз хаёлларига чўқди.

(Давоми келгуси сонда)

## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

### Қурилган мева ва қурук озуқалар

Меваларни қуриштириш пайтида ранг тутувчи, пашша, ҳашоратларга қарши ва бузилиши олдини оловчи натрий сульфит (E221) қўлланилади. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатади-ки, натрий сульфитнинг озуқалар орқали истеъмол қилиниши мия фаолиятига зарар беради ва вақт ўтиши билан бу зарарни катталаштиради.

Кимёвий моддалар билан қурилган мева ва озуқаларда жонли қурт топиш мумкин эмас. Чунки дориланган меваларни ҳеч бир ҳашорат, қуш, пашша емайди, ҳатто микроб ҳам тегина олмайди. Демак, бозорда қайси мевага ари ва пашшалар ҳужум қилаётган бўлса, ўшандан олиш, қайсига яқинлашмаётган бўлса, олмаслик керак.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) хурмо қуртлаган бўлса, қуртларини олиб ташлаб, еяверар эдилар.

#### Сут

2 ёшгача бўлган болага зарур озуқа она сутидир. Аммо она-бола орасида қон тўғри келмаса, яъни она сутининг протеинлари бола танасининг протеинларига зид келса, она сутни бола соғлигига ҳаф солади. Бу ҳолда бола учун сут энагаси қидириш керак. Соғиб қўйиб қўйилган она сутининг ҳазми оғир бўлади ва керакли фойдани бера олмайди.

Инсон 2 ёшдан кейин боланинг ошқозони сутни ҳазм қилиш тизимини йўқотади. Энди сут ўзининг таркибидаги ҳамда ичаклардаги микроблар ёрдамида ҳазм бўлади. Сигир ва бошқа барча ҳайвонларнинг сутлари соғилганидан кейин иликлигича ҳеч нарса аралаштирилмасдан ичилса, шифоли бўлади. Чунки сут янги соғилганида унинг таркибида ҳазми қулайлаштирувчи микроб ва ферментлар бўлади.

Соғилганидан кейин туриб қолган сутда кўпайган зарарли микроблар сутни зарарли ҳолга келтириши сабабли қайнатилиши керак. Лекин қайнатилганида ҳазми қийинлашади. Чунки сутнинг ҳазмини осонлаштирадиган фермент ва микроблар 43-54 даража иссиқда ўлади. Бугунги кунда соғом киши қолмагани каби ҳайвонлар ҳам касал, шунинг учун сутлар қайнатиб ичилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Антибиотик билан даволанганларда зарарли микроблар билан бирга ичаклардаги микроблар ҳам йўқ бўлиши сабабли, сут ҳазм бўлмасдан бузилишни бошлайди. Бадан бузилган сутдаги кальцийлардан фойдалана олмайди. Бузилган сут танада ортиқча балғам тўпланишига ва туз йиғилишига, бунинг натижасида суяк юмшашига, жигар, талоқ ва

томирларнинг тикилишларига, катаракта, псориаз ва витиликон (пес), сафро косаси ва буйрак тошларига, тиш чириши ва милик касалликларига сабаб бўлади (хусусан, қон гуруҳи “О” ва “А” бўлган кишиларда).

Турли сигирлардан соғилиб, аралаштирилган ва пастеризацияланган сутни фақат қайнатиб, занжабил билан ва иликлаганидан сўнг, асал билан аралаштирилиб, ичса бўлади. Сутли ширинликларнинг устига занжабил ёки долчин сепса бўлади. Занжабил, долчин ва асал сутнинг ҳазмини осонлаштиради.

Сут ичимлик эмас, овқат ҳисобланади. Шунинг учун сутни кичик қултумлар билан, оғизда тутиб туриб ичиш керак. Сут ичгандан кейин тез ҳаракат қилиш, ухлаш ёки бирон нарса ейиш яхши эмас, акс ҳолда, буйракда ва қовуқда тош йиғилишига сабаб бўлади (хусусан, қон гуруҳи “О” ва “А” бўлган кишиларда).

Бир сигирнинг сути бошқа сигирнинг сути билан аралаштирилмаслиги керак. Аралаш, пастеризацияланган ва кўп туриб қолган, қўшимчалар қўшилган сутларнинг фойдасидан зарари кўп.

Аралаш ва пастеризацияланган сутни қайнатиб, қатик қилиш мақсадга мувофиқ. Қатик таркибидаги микроблар сутнинг ҳазм қилинишини таъминлайди. Микроблар билан ҳазм қилинган сут қатик бўлади ва бадан қатикни осонликча ҳазм қилади. Қадимги олимлар сут таркибининг ҳайвон рангига, бўйига, тана тузилишига, кучли ёки кучсизлиги, гўштининг қаттиқ ёки юмшоқлигига, бошқача айтганда, сигирнинг мижозига кўра ўзгаришини билишган. Яъни сутнинг хусусияти ҳайвоннинг мижози билан узвий боғлиқдир. Инсонларда ва ўсимликларда бўлгани каби, ҳайвонларда ҳам 4 тур мижоз бор, инсонларнинг 4 қон гуруҳига ажралиши, аслида, уларнинг 4 турдаги мижозга ажралишидир.

Бу жиҳатдан инсон ҳар қандай сигир сутини ича олмайди. Фақат ўз мижози билан бир мижозли сигир сутинигина ичиши мумкин. Бу худди она сутининг болага тўғри келмаслигига ўхшайди.

Шунинг учун бир мамлакатдаги ҳайвон турини бошқа мамлакатдан келтирилган ҳайвон тури билан алмаштириш ёки турли сигирлардан соғилган сутни аралаштириб ичиш нотўғри, ҳатто баъзан ҳафлидир. Жамиятимизда пайғамбаримизнинг (с.а.в.) “Сут ичинг” амри оммалашиб кетган. Аммо Пайғамбаримиз (с.а.в.) буни умрида ҳеч қандай сунъий овқат емаган, бир туя, бир қўй, бир эчкидан ёки бир сигирдан соғилган сутни ичган ва ҳаётинда ҳеч антибиотик олмаган инсонлар учун айтганлар. Бугун антибиотик билан даволанмаган ҳеч қим йўқ, табиий

озикланмаган ҳайвондан янги соғилган сут таъмини биладиган киши ҳам йўқ.

Сут ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун сигирларга бериладиган йириклаштирувчи (семиртирувчи) гормон инсондаги йириклаштириш факторни (IGF-1) орттириши мумкин. Йириклаштириш фактори барча тўқималарда ҳужайраларни назоратсиз тарзда орттириб, саратон (рак) келтириб чиқаради.

Табиий тоза сутни асал билан ичиш киши рангини тозалайди, семиртиради. Асалли сут қарияларнинг қурук ва совуқ мижозига фойдали. Қуруқликни камайтиради, совуқликнинг олдини олади.

Шиш ва саратонга, жигар, талоқ, буйрак ва тери касалликларига, бош оғриши, қулоқ шанғиллаши ва бош айланиши каби касалликларга сут зарарлидир. Бу касалликлар учун фақатгина туя сути фойдали..

Уйда ачитилган табиий қатик Бодринг билан ейилган қатик иссиқни туширади. Пиёз ҳам қўшилса, юқумли (инфекцион) касалликларга фойдали.

Қайнатилган қатик ич кетиши, ҳатто қонли ич кетишини (диареяни) тўхтатади. Аммо қатик қаймоғи олиниб, қайнатилиши керак.

Ёғли қатик янги куйган жойларга, хусусан, куёшда куйган жойларга сурилса, оғрикларни тўхтатади ва кисқа пайт ичида тузалишини таъминлайди.

Қатик суви қонни тозалайди, жигар ва талоқдаги тикилишларни очади, буйрак тошларини эритади ва сарик касалига фойдали.

Бундан ташқари, қатик суви билан яра боғланса, яралар тозаланади ва ёпилади; сепкилларга сурилса, уларни кетказади. Учқуққа сурилса, тезда яхши қилади. Оч қоринга қатик суви ичиш газни кетказади, ичаклардаги табиий микробларнинг яшашига кўмаклашади.

Жуда ориқ бўлганлар учун қонни қатик суви билан бошлаш, қонни тозалайди, иссиқ сафрони совутади ва камайтиради. Ичаклар ва талоққа дам бериб, ҳазми осонлаштиради ва семиртиришга ёрдам беради.

Соч қатик суви билан ювилса, ялтирайди ва тез ўсади.

#### Пишлоқ

Пишлоқ сут суви (яъни қатикдаги яшил сув) ажратилишидан олинади. Пишлоқ сут маҳсулотлари ичида ҳазми оғир бўлганидир. Пишлоқнинг ҳазмини осонлаштириш ва йўқотилган яшил сув ўрнини тўлдириш учун пишлоққа помидор, салат ва қўқатлар аралаштириш керак. Янги сабзавотлар енгил сувли бўлганлари учун пишлоқнинг ҳазмига ёрдам беради. Қадимги ҳақимлар: “Пишлоқнинг ўзини ейиш касаллик келтиради, лекин ёнғоқ билан бирга ейилса, шифо бўлади”, дейишган.

(Давоми кейинги бетда)

## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Бузилмаган пишлокнинг, яъни сақловчи модда қўшилган пишлокнинг ҳазми кўп туриб қолган сутнинг ҳазмига ўхшайди. Пишлокни кўп ейиш баданда туз йиғилиши, буйрак ва қовукда тош йиғилишига, томирларда тикилишлар ва суяк юмшашини келтириб чиқаради. Энг яхши пишлок - қўй ва эчки сутидан қилинган пишлок, бринза ва оқ пишлоклардир. Энг оғири - ёш қўй сутидан қилинган пишлок ва кремли пишлоқдир. Туркиянинг баъзи жойларида халқ пишлокни моғорлатиб (сақлаб қўйиб) ейди. Моғорланган пишлокни ейиш одати бўлмаган баъзи кишилар ҳам бундай пишлокни яхши кўради. Хусусан, қон гуруҳи “0” бўлиб, пишлокни ҳазм қилишда қийналганлар, моғорланган пишлокни севадилар, чунки ундаги микроблар ҳазм жараёнини осонлаштиради.

### Сариёғ

Қадимдан малҳам ва дори сифатида қўлланилади. Сариёғ ошқозон ва ичакларни дам олдиради, вужудни қувватлантиради. Қон гуруҳи “0” ёки “В” бўлган соғлом кишилар ҳафтада 2-3 марта сариёғ ейишади. Аммо сариёғ қон гуруҳи “А” ва “АВ” бўлганларнинг мижозига тўғри келмайди, улар сариёғни ҳазм қила олишмайди. Ҳазм қилинмаган қолдиқлар сизлоғич, хўпоз ва томир қопламаларига сабаб бўлади. Халқининг аксарияти “А” гуруҳли бўлган Тибетда халқ сариёғни сақлаб қўйиб ейишади. Пишлок каби сариёғнинг ҳам сақлаб қўйилгани осон ҳазм бўлади.

### Нон

Буғдойнинг барча витамин, фермент ва микроэлементлари унинг муттик (ёки муртак)ида, қобиқ ва қобиқ остида тўплаган. Буғдой марказида эса фақатгина “чуқур уйку холидаги” крахмал бор. Буғдой суғорилганда, сув унинг ферментларини эритиб, микроэлементларни ва витаминларни жонлантиради ва крахмалга оқизади. Ферментлар крахмални енгил шакарга айлантириб, муттик (ёки муртак - русча “зародыш”) га юборади. муттик ҳаракатга ўтиб, бўй чиқаради ва ҳаётини бошлайди. Ферментларнинг буғдой қобиғининг ичида қамалишининг ва крахмалнинг уйку холида тугилишининг ҳикмати буғдойнинг пайтидан аввал ўсиб кетмаслиги ва юз йиллаб бузилмасдан сақланиши учун. Бундан ташқари, буғдойдан ун қилинганда, унинг қобиқлари (кепаги) эланиб, ажратилди, оғир ўлик крахмал ун қилинади. Бу жоҳилликдан бошқа нарса эмас. **Пайғамбаримиз (с.а.в.) бунга асло изн бермасдилар. Саҳл ибн Саъд розияллоху анху: “Расулulloҳнинг (с.а.в.) вафотларигача на оқ нон, ва на элак кўрдим”, деганлар.**



Оқ ундан қилинган ноннинг ҳазми оғир, қондаги кислота миқдорини кўпайтиради. Оқ ундан қилинган нон сафро қосаси, буйрак ва қовукда тошлар пайдо бўлишига, майда (капилер) ва йўғон (вен) томирларнинг тикилиб қолишига сабаб бўлади.

Табиий бўлмаган нон ичакларда “В” витаминини ишлаб чиқарадиган микробларни сустлаштиради. “В” витаминининг етишмаслиги асаб мувозанатсизлигига ва анемияга йўл очади. Ачиткили, иссиқ нон бир қанча касаллик ва ичак қуртларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Хамиртурушли нон пишганидан кейин қаида 3 соатдан сўнг ейилиши керак. Аммо ачитқисиз ёки табиий ачиткили тандир нонни баъзан иссиқлигида ҳам еса бўлади. Янги ун қилинган эски буғдой келагини ажратмасдан арпа ёки нўхот ачитқиси каби табиий ачитқи билан аралаштирилиб, тандирда пиширилган нон танага ҳаёт беради. Хамиртуруш билан ҳам нон қилса бўлади, яъни тайёрланган хамирдан парча олиб қўйилиб, кейинги нон хамирига ачитқи сифатида қўшилади. Унинг хамири кеч шишади. Масалан, кечкурун қилинган хамир эртаси қуни эрталаб шишган бўлади. Нон ҳазмини осонлаштириш учун хамирга седана, занжабил, арпабодийн, зиғир уруғи, қардамон (ҳил), шивит уруғлари қўшилади. Нон устига қунжут сепилса, бу ҳам мақсадга мувофиқ. Хамир қилганда турли унлар бир-бирига аралаштирилмаслиги керак, чунки ноннинг ҳазми оғирлашади (буғдой уни жавдар ёки арпа билан аралаштирилиши мумкин). Сариёғ, зайтун ёғи, ҳайвон ёғи, асал, мураббо ва сабзавот таомлар билан бирга нон ейиш мумкин. Фақат гўшт, товук, балиқ, дон ва сут каби таомлар билан бирга нон ейиш ҳазми қийинлаштиради ва соғлиққа зарарлидир. Қадимдагилар буғдой ёки арпа унини сув, ёғ ва асал билан аралаштириб,

қулча қилиб, пиширмасдан, қуёшда қуритиб ейишган. Шу тарзда бошқа таомга эҳтиёж сезмасдан соғлом бўлиб, 100 йилдан кўпроқ умр кўришган. Аммо бугунги кунда эски буғдой навлари, арпа, жавдар, қора буғдой тарих бўлиб қолди. Уларнинг ўрнига гени ўзгартирилган ва терминатор ген билан қуроллантирилган янги дон турлари келди.

Терминатор (қисирлаштирувчи) ген қўшилган буғдойни экиб, ундан кейинги йил учун уруғ олишнинг имкони йўқ.

Таркибида кўп миқдорда ёпишқон альбумин моддаси бўлгани учун гени ўзгартирилган буғдойларнинг (405-550 типларидек) ҳазми оғир кечади. Бу нав буғдой махсулотларини фақат барча дон махсулотларини яхши ҳазм қила оладиган “А” ва “АВ” қон гуруҳларига мансуб кишиларгина ҳазм қила олишади.

Қон гуруҳи “В” бўлганлар буғдой махсулотлари ҳазмида қийналадилар, қон гуруҳи “О” бўлганлар эса ҳазм қила олишмайди. Қон гуруҳи “О” бўлганларда буғдой альбумини ошқозон пардасини сўяётгандек таъсир қилади, ошқозон кислотасининг кўпайишига, гастрит, яра, Н. Pylori инфекцияси, томир тикилиши, ҳарорат билан боғлиқ касалликлар, қонда РН мувозанатсизлиги, аллергия, ревматизм, замбуруғ, астма ва тери касалликларига сабаб бўлади. Унга қўшилган ва нон таркибида қўлланиладиган қўшимча моддалар ва гени ўзгартирилган ачитқи нон зарарини янада орттиради.

### Унда ишлатиладиган қўшимча моддалар:

Ёпишишни олдини олувчилар: оксистерин, олеик кислота, глицерин (ёғлардан олинади), амюлаз (чўчка ошқозони, моғор замбуруғи ёки GM бактериялар воситаси билан олинади), цистеин/цистин (одам, чўчка ёки от қилидан ёки GM бактериялар воситаси билан олинади).

Оқартирувчи ва нам тутувчилар: E171 (титандиоксид), E173 (алюминий гидроксид). (“Зехни бошқариш” ва “Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.)

Сақловчилар: аскорбикацит, туз. Шиширувчи: натрий карбонат. Сикиштирувчи: кальций карбонат (бўр).

### Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий Тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Қамолитдин Йўлдош**